

ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Mustaqillik huquq demakdir



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI BOSH
PROKURATURASINING
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz

2009-yil 3-sentabr, №36 (661)

Юртимизнинг
барча жойларида
бўлганидек, энг азия
ва энг улуг байрами-
миз — Ўзбекистон-
нинг Мустақиллик
куни прокуратура
органлари меҳнат
жамоаларида ҳам
шоду хуррамлик билан
кутиб олинди.



Комил ИСМОИЛОВ,
Қашқадарё вилоят прокурори

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон халқи энг улуг, энг азия байрами-
миз — Республикаимиз мустақиллигининг 18 йил-
лигини кўтаринки руҳда нишонлади. Бу нурли бай-
рам кўксимизни тоғ қадар юксалтириб, қалблари-
мизни фахр-ифтихор ҳисларига тўлдирди.

Халқимизнинг озодлик тўғрисидаги асрий ор-
зуси рўёбга чиқиб, мамлакатимиз мустақилликка
эришганлиги учун Аллоҳга беадд шукроналар айт-
моғимиз керак. Негаки, ажодларимиз озодлик
учун жон олиб, жон бериб доимо курашиб кел-
ганликлари, бу йўлда кўп қонлар тўкилиб, ма-
шаққатлар чекилганлигини тарихдан яхши била-
миз. Бутунги кунда эса биз ўз тақдиримизни ўзи-
миз белгилаш, ҳамма соҳаларда эркин фаолият
юрйтиш, тинч ва осойишта яшаш бахтига муяс-
сар бўлдик.

Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов
"Мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш,
юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон ман-
фаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзла-
ган демократик жамият барпо этишнинг гарови-
дир" деб таъкидлаши бежиз эмас. Бу пурмаъно
сўзларда мустақилликнинг халқимизнинг ҳаёти-
даги аҳамияти, Ватанимиз равнақида кўрсатган ва
кўрсатаётган беқиёс таъсири аниқ ва лўнда қилиб
ифодаланган.

Дарҳақиқат, мустақиллик бизга кўп неъматларни
берди. Истиқлол тўғрисида биз ўзлимизни топ-
дик, мустабид тузум таъйини остида тобора уну-
тилиб бораётган қадриятларимизни қайта тиклашга
муваффақ бўлдик, эркин ва озод ҳаётга эришдик.
Мустақиллик Ўзбекистон деб аталмиш она диёри-
мизни бутун дунёга танитди. Эндиликда тенглар
ичра тенг бўлган жонажон Ўзбекистонимиз жаҳон-
нинг кўплаб давлатлари билан ўзаро тенг сиёсий,
иқтисодий, маданий, савдо ҳамда дипломатик ало-
қаларни йўлга қўйди ва бу алоқалар тобора ри-
вожланиб борапти.

Мустақилликка эришгач, мамлакатимиз
ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик
жамияти куриш йўлини танлади ва бу йўлдан да-
дил илгарилар бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИРОФ

Республика Бош прокуратураси-
да ҳам истиқлолнинг 18 йиллигига
бағишланган тадбир ўтказилди. Бай-
рам тадбирини Ўзбекистон Респуб-
ликаси Бош прокурорининг ўрин-
босари Ҳ.Ҳалимов очиб, барча про-
куратура ходимларини, меҳнат фах-
рийларини улуг айём билан қутла-
ди. Шундан сўнг Республика Бош
прокурори Р.Қодировнинг табриги-
ни Бош прокурор ўринбосари
Н.Йўлдошев тантана иштирокчиларига
ўқиб эшиттирди. Табрикда таъ-
кидланганидек, мустақилликнинг
ўтган йилларида суд-ҳуқуқ соҳаси-
да катта ислохотлар амалга оширил-
ди. Мамлакатимизда қонунийликни
мустаҳкамлаш, фуқароларнинг
ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва
жамият манфаатларини ҳимоя
қилиш борасида эришилган улкан
ютуқларда прокуратура органлари-
нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Юр-
тимизда эзгу ва фидокорона меҳнат

ҳар доим эъзозланади.

Ўзбекистон Республикаси Прези-
дентининг фармонида биноан Муста-
қилликнинг 18 йиллиги муносабати
билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органлар, шу жумладан, прокурату-
ра органларининг бир гуруҳ ходим-
лари ҳам давлатимизнинг юксак му-
кофотлари билан тақдирланди. Жум-
ладан, Қашқадарё вилояти Косон ту-
мани прокурори **Очилов Яхшибой Му-
хаммадиевич** "Меҳнат шўхрати" орде-
ни билан, Фарғона вилояти прокура-
тураси бўлими катта прокурори **Абса-
рова Лариса Хусанбековна** "Дўстлик"
ордени билан, Тошкент шаҳар про-
куратураси алоҳида муҳим ишлар
бўйича терговчиси **Нормухамедов Ти-
мур Султанович** ва Ўзбекистон Респуб-
ликаси Бош прокуратураси ҳузурида-
ги Солиқ, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни легаллашти-
ришга қарши курашиш департамен-
тининг Тошкент шаҳар бошқармаси

бошлиғи **Шуқуров Иноят Рахматул-
лаевич** "Жасорат" медали билан,
Ўзбекистон Республикаси Бош про-
куратураси бўлими катта прокурори
Атаджанова Айгуль Ибрагимовна,
Наманган вилояти прокурорининг
катта ёрдамчиси **Тиллабоев Кучкор-
бой** ва Тошкент шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси **Шамасудов Бехзод
Анварович** "Шўхрат" медали билан
мукофотландилар. Шунингдек, Бош
прокурор буйруғи билан меҳнатда
ўрнат кўрсатган прокуратура ходим-
ларининг бир гуруҳига фахрий ёрлик-
лар, қimmatбоҳо совғалар топширил-
ди, ташаккурнома эълон қилинди.

Байрам тантанасида мукофотлан-
ган прокуратура ходимларидан бир
гуруҳи сўзга чиқиб, ўзларига берил-
ган мукофот учун миннатдорчилик
билдириб, эл-юрт равнақи ва
ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўлида бор
куч ва ғайратларини аямасликлари-
ни изҳор этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН САККИЗ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси мус-
тақиллиги эълон қилинганлиги-
нинг ўн саккиз йиллиги муносаба-
ти билан Ўзбекистон Республикаси
Президентининг тақдирномаси-
га мувофиқ, инсонпарварлик та-
моилига амал қилиб, Ўзбекистон
Республикаси Конституциясининг
80-моддаси 10-бандига ва 93-мод-
даси 23-бандига асосан Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлисининг
Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Содир этган жиноятлари
учун судланганлар жазодан озод
қилинсин (мазкур Қарорнинг 8-
бандида кўрсатилган чеклашлар-
ни ҳисобга олган ҳолда):
- а) аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда
18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) 60 ёшга тўлган эркаклар;
- г) чет эл фуқаролари.
2. Эҳтиётсизлик оқсисида жи-
ноят содир этган шахслар, шу-
нингдек ижтимоий хавфи катта

бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган
жиноят содир этганлиги учун би-
ринчи марта ҳукм қилинган шахс-
лар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи ва иккинчи гуруҳ
ногиронлари, шунингдек мазкур
Қарор кучга киргунга қадар бир
йилдан ошмаган муддат ичида
қонунда белгиланган тартибда
жазони ўташга тўсқинлик қилади-
ган оғир касалликка чалинган деб
топишган шахслар (жавобгарлик-
ни оғирлаштирадиган ҳолатларда
қасддан одам ўлдириш жинояти-
ни содир этганлар бундан мустас-
но) жазодан озод қилинсин.
4. Озодликдан маҳрум қилиш
жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай
қолган жазо муддати икки йилдан
кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор
эълон қилинган кунга қадар қону-
ний кучга кирган маҳкумлар (жа-
вобгарликни оғирлаштирадиган
ҳолатларда қасддан одам ўлдириш
жиноятини содир этганлар бундан

мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Таққилланган ташкилотлар
фаолиятидаги иштироки, улар
таркибида тинчлик ва хавфсизлик-
ка қарши ёки жамоат хавфсизли-
гига қарши жиноятлар содир эт-
ганлиги учун биринчи марта озод-
ликдан маҳрум қилишга ҳукм эти-
либ, тузалиш йўлига қатъий ўтган
шахслар жазодан озод қилинсин.
6. Озодликдан маҳрум қилиш
жазосига ҳукм қилиниб, мазкур
Қарор эълон қилинган кунга ўтал-
май қолган жазо муддати уч йил-
дан кўп бўлмаган шахслар ман-
зил-колонияга ўтказилсин.
7. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-
бандларида қайд этилган шахслар
томонидан содир этилган жино-
ятлар юзасидан оғиб борилаётган
барча ишлар тўлиб қолсин.
8. Таъбиқ этилмасин:
- а) мазкур Қарор - узоқ му-
ддатта ёки умрбод озодликдан маҳ-
рум қилиш жазосига ҳукм қилин-

ган; ўта хавфли рецидивист деб
топишган; жиноий уюшма тарки-
бида жиноят содир этган; жазони
ўташ тартибини мунтазам равишда
бузётган шахсларга; шунингдек
ўлим жазоси афв этиш тартибида
озодликдан маҳрум қилиш жазо-
сига алмаштирилган шахсларга;

- б) мазкур Қарорнинг 1-банди
— ўта оғир жиноят содир этган
шахсларга;
- в) мазкур Қарорнинг 1-4, 6 ва
7-бандлари — таққилланган таш-
килотлар фаолиятидаги иштиро-
ки, улар таркибида тинчлик ва
хавфсизликка қарши ёки жамоат
хавфсизлигига қарши жиноятлар
содир қилинганлиги учун судлан-
ган шахсларга;
- г) мазкур Қарорнинг 2, 4-7-

бандлари муқаддам амнистия тар-
тибида жазодан озод бўлган, яна
қасддан жиноят содир этган
шахсларга.

9. Сенатнинг тегишли Қўмита
ва Комиссиялари мазкур амнистия
акти қўлланилиши тартиб-таомил-
ларида жамоатчилик назорати ва
очиқ-ошкоралик амалга оширили-
шида депутатлар корпусининг бе-
восита иштирокини таъминласин.
10. Сенатнинг ушбу Қарори
амалга оширилиши юзасидан
масъуллик Ўзбекистон Республи-
каси Вазирлар Маҳкамаси зимма-
сига юклатилсин.
11. Ушбу Қарор эълон қилин-
ган кундан эътиборан кучга ки-
ради ва уч ой мобайнида ижро
этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 28 август

(Давоми).

Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, инсон унинг шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада таъминланганлиги ҳар қандай ривожланган ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгилари билан бири ҳисобланади. Давлатимиз мустақил бўлганидан сўнг бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, инсон ва унинг манфаати пировард мақсад сифатида барча ислохотларнинг марказига қўйилди.

Мустақиллик йилларида бошқа соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини ҳам чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштиришнинг мутлақо янги концепцияси ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримовнинг юзлари ва бевосита ташаббуси билан жиноий жазо тизимида бир қатор янгилик ва ўзгаришлар киритилди. Хусусан, 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши му-

давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сийосатининг энг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Ана шундай эзгу мақсадларнинг рўйи эса мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида қонуний устуворлигини таъминлашга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунда прокуратура органлари зиммасига катта масъулият тушди. Вилоят прокуратураси органлари ҳам ана шу масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ўз фаолиятларини ҳозирги юксак талаблар даражасида ташкил этишга ҳаракат қилмоқдалар. Қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича мунтазам ва самарали иш олиб боришмоқда. Хуудда барқарорлиқни таъминлаш, турли қўриқлардаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш, тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатлар-

тижаларга эришилди, судларнинг асосий қарорларига нисбатан апелляция ва кассация протести келтириш самардорлиги ошди, қонунийлик тарғиботи бирмунча яхшиланди.

Умуман, прокуратура органлари фаолиятининг барча йўналишларида олиб борилаётган ишлар, энг аввало, инсон ва унинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилганки, "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси" руҳи ва қоидалари асосида ишлаб чиқилган Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига тасомилла мос келади, унда қўйилган улуғвор мақсадларни рўйбга чиқариш учун хизмат қилади.

Ҳар қандай давлатнинг, жамиятнинг демократик ва инсонпарварлик жиҳатлари инсонга бўлган муносабат, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва манфаатлари қай даражада ҳимоя қилинганлиги билан баҳоланади. Бу борада мамлакатимизда жуда катта ишлар қилинаётганлигини ҳаммамиз қўриб-билиб

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН

Хоразм вилоят прокуратураси томонидан жойларда амалдаги қонунийлик талабларига риоя қилиниши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қонунлар ижроси, яъни пенсия, нафақа ва моддий ёрдам пуллари тўлиниши қонунийлиги юзасидан ўтказилган тadbирларда айрим мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан маблағлар талон-торож қилинганлиги ҳамда бошқа суиистеъмолликларга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги қарорлари ижроси ҳамда оналарга бола икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича нафақа тўлиниши аҳоли юзасидан ўтказилган текширишларда ноқонуний ишлар фош этилди. Айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари нафақа тайинлаш комиссиялари онланнинг ўртача даромадини аниқлашда чалкашликларга йўл қўйиб, вазифаларига масъулиятсизларча ёндашилганлиги сабабли нафақадор ноқонуний тайинланганлиги ачинариди. Чунончи, 34 та маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан 124 нафар фуқарога 9 млн. 883 минг сўм нафақадор ноқонуний тайинланиб тўланган. Урганч туманида 8 та маҳалла фуқаролар йиғинлари тегишли комиссиялари 2,8 млн. сўм, Хазорасп туманида 13 та комиссия 2,4 млн. сўм, Хонқа туманида 2 та комиссия 2,3 млн. сўм, Қўшқўпир туманида 5 та комиссия томонидан 1,6 млн. сўм нафақадор ноқонуний тайинланган.

Жумладан, Урганч туманидаги Гайбу кишлоқ фуқаролар йиғини раиси бўлиб ишлаб келган М.Жуманиёзов 2,7 млн. сўмлик нафақа ноқонуний тайинланганлиги сабабли 2007 йилда суд ҳукми билан жаримага тортилган бўлса-да, ўзига тегишли ҳулоса чиқармаган. У ишламаётган оналарга болани икки ёшгача парвариш қилиш бўйича такроран ноқонуний нафақа тайинлаб, давлат манфаатларига 2,8 млн. сўмлик зарар етказган.

Ушбу ҳолат бўйича вилоят прокуратураси томонидан унга нисбатан Жиноят кодексининг 207-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, иш тергов натижасига кўра сулга юборилди. Суд ҳукмига асосан фуқаролар йиғини раисига 2 йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 октябрдаги "Республика газ таъминотини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижроси жойларда ўрганилганда тadbирлар талаб даражасида ташкил этилмаганлиги маълум бўлди. Оқибатда туман газ идораларида табиий ресурсдан фойдаланишда зарур ҳуқуқий тартиб ўрнатилмай, шартномавий муносабатларга амал қилинишига эришилмаган. Ички идоравий назорат ва интизом сўсийи кетганлиги сабабли исрофгарчилик ва талон-торожлик ҳолатлари содир этилган. Дебитор қарздорлик ўсишининг асосий сабабларидан яна бири табиий газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланishi ҳолатларига газ таъминоти корхоналари томонидан қатъиятлик билан барҳам берилмаётганлигидир.

Хусусан, "Қўшқўпир бунёдкор" хусусий корхонаси раҳбари Х.Расулов корхонага қаршили бўлган гишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехни истеъмол қилинган табиий газни ҳисобга олиш ускунасида ташқари улаб, давлат манфаатларига 31,9 млн. сўмлик моддий зарар етказган. Корхона раҳбарига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди.

Бундан ташқари, Богот тумани Маданият қишлоғи "Галаба" маҳалласида яшовчи фуқаро Б. Эшназаров табиий газ тармоғига ноқонуний равишда уланиб, яширин цех ташкил қилган. "Тadbиркор" цехда алюминийни эритиш ва ундан махсулот тайёрлаш билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилди. Тергов давомида қонунбузар томонидан туман газ филиалига етказилган 100 минг сўм зарар ихтиёрий ундирилиб, суд ҳукми билан айбдорга 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қўлланилди.

АТИБ "Ипотека" банк Хоразм вилоят филиали масъул мансабдор шахслари ва "Хива таъмир монтаж қурилиш" МЧЖ раҳбари Ф.Рўзметов ҳамда фуқаро О.Мадаминов банкнинг пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш мақсадида жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб ноқонуний ишларни амалга оширишган. Банк ходимлари ўз вазифаларига виждонсизларча муносабатда бўлиб кредит, сесуда ва бошқа маблағларнинг қарз олувлари томонидан мақсадли ишлатилиши юзасидан мониторинг олиб бормасдан, қарзларнинг ўз вақтида ва тўла қайтарилishi чораларини кўришмаган. Миждоннинг иқтисодий аҳоли ўрганилмасдан, кредит таъминотисиз, яъни гаровсиз ёки кафиликсиз миждонларга кредитлар ажратилиб, банк манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар ва жиддий зиён етказилган.

Маъжур ҳолатлар юзасидан АТИБ "Ипотека" банк Хоразм вилоят филиали масъул мансабдор шахслари ва "Вал-назир" хусусий фирмаси, "Хива таъмир монтаж қурилиш", "Марияна қурилиш", "Милениум таъмир қурилиш", "Улгуриж саноат савдо, холдинг" масъулияти чекланган жамиятлари, "Ойбек-Дилфуза" ва "Анагул-Улуғбек" хусусий фирмалари раҳбарларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Қонунга хилоф фаолият бариб қондор ошкор бўлди. Шу боис, қонунларга амал қилган ҳолда яшаш ва ишлаш ҳаёт тақозосидир.

Район ЮСПОВА,
Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси,
Фарход МУХАММАДИЕВ,
журналист

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

носабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Мазмуний жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги суд-ҳуқуқ соҳасида туб бурилиш ясаб, ислохотларнинг муҳим босқичини бошлаб берди.

Ушбу қонун асосида амалдаги қонун ҳужжатларида жиноятларни таснифлаш билан боғлиқ бир қатор ўзгаришлар, жиноят учун жазо белгиланган ва уни ўташ қоидаларига ҳам муайян энгилликлар киритилди, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобили жазо турларини қўллаш доираси кенгайтирилди ва ярашув институти жорий этилди.

Суд ҳокимиятини мустақамлаш ва такомиллаштириш, жамият жазо тизимини эркинлаштиришга қаратилган либераллаштириш сийсати шундан кейинги йилларда ҳам изчил давом эттирилди. Жумладан, ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, апелляция инстанциясида иш юритишнинг тadbirkорлигининг, қонуний кучга кирган ҳукмлар устидан шикоят қилиш имкониятларининг кенгайтирилганлиги, кассация инстанциясида тарафлар ҳуқуқларининг тенглаштирилганлиги жиноят процессуал қонунчилигимизга ўзгача шакл ва янги мазмун бағишлади.

Мустақилликдан сўнг суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларда асосий эътибор инсон шаъни ва қадр-қимматини юқори кўтаришга, унинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги эътиборга моликдир. Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тadbирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида айтилганидек, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва

рини ҳимоя қилиш борасида муайян тadbирлар ўтказилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришда ижобий натижаларга эришилган. Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан ўзаро ҳамкорликда қўрилган чоралар ва амалга оширилган кенг қамровли тadbирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярми давомида умумий жиноятлар сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан камайишига эришилди.

Фуқароларнинг меҳнат қилиш, дам олиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ишчи-хизматчиларга ойлик маошларнинг ўз вақтида тўлиниши, аҳолининг, хусусан, қам таъминланган оилаларнинг ижтимоий муҳофазаси каби долзарб масалалар прокуратура органларининг доимий эътиборида бўлиб келяпти. Тadbirkорликни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга ва кишлоқ ҳўжалигига оид қонунлар, бу борадаги Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг бажарилиши мунтазам назорат қилиб боришмоқда. Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган давр мобайнида вилоят прокуратураси органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда юридик шахслар ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан 523 та текшириш ўтказилиб, фуқаролик ишлари бўйича судларга 27452 та 5 миллиард 582 миллион 449 минг сўмлик, ҳўжалик судларига 138 та 1 миллиард 97 миллион 458 минг сўмлик даъво аризалари киритилган. Воёта етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижаларига кўра 33361 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Судларда жиноят, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлашда муайян ижобий на-

турибмиз ва бу бутунжаҳон сийсатдонлари, жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилмоқда. Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилни ўзига хос ва ўзига мос ном билан атаб, инсон манфаатини кўзловчи кенг қамровли Давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётганлигини инсонпарварлиқнинг, ҳалқпарварлиқнинг ёрқин намунаси сифатида баҳоласак арийди. Чунки юрт тинчлиги, ободлиги, турмушимизнинг янада фаровон бўлишида бундай ёндашув катта аҳамият касб этмоқда. Ўтган йили "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида қилинган ишлар натижасида мустақил дийримишнинг ҳамма жойларида ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол воёга етказиш учун жуда кенг имкониятлар яратилди. Жорий йилда эса қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. "Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури вазифалари муваффақиятли бажарилапти. Бу борада вилоятимиз кишлоқларига қилинаётган ишларни санаб адоғига етиш қийин. Жойларда кишлоқларни бош режа асосида тубдан қайта қуришга киришилди. Кишлоқнинг замонавий асослардаги инфратузилмаси яратилмоқда. Бу кўтулғи вилоят прокуратура органлари ходимлари ҳам ўз улушларини қўшмоқдалар. Жойларда Дастурда қўйилган вазифалар қандай бажарилаётганлиги прокуратура органлари томонидан доимий назоратга олинган.

Давлатимиз раҳбари маъжур Дастур ишлаб чиқилиши муносабати билан бу соҳадаги вазифалар ҳақида гапириб, "... кишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари - мулкдорлар, тadbirkор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга", дея алоҳида таъкидлаган эди. Бу йўл-йўриқлар барчамиз учун, жумладан, прокуратура органлари фаолиятида ҳам муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаверади.

Маълумки, сўз эркинлиги ҳукм сурган жамиятда ҳар ким матбуот орқали ўз сўзини айтиш, мулоҳаза юритиш, фикрини баён этишга ҳақли. Зеро, сўз эркинлигининг асосини ҳам шулар ташкил этади. Шунингдек, ҳар бир газетхон ижтимоий ҳаётдаги муаммолар, қусурлар ва айрим иллатларни фож этиб, улар юзасидан фикр юритишга ҳам ҳақли. Чунки ҳар бир Ватандошимизнинг мақсади юрт тараққиёти, халқ фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишдан иборат бўлиши керак.

«Huquq» ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят прокуратуралари муассислигида чоп этилаётган ҳуқуқий газеталар — мустақиллик меваси. Улар аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга кўмаклашиш, Республика Бош прокуратураси ва вилоят прокуратуралари фаолиятини ёритиш, прокуратура органлари фаолиятига ошкоралик бериш мақсадида ташкил этилган.



бошдан кечирган ҳаётни кўз олдимизга келтирайлик. Ҳукмрон мафкура ҳуқуқни англаш эмас, балки зулм ва адолатсизликнинг миқёсини англашни фаолият манбаи деб тушунар эди. Яъни у жамият одам қанча кўп кўркса, шунча ҳалол меҳнат қилади, деган нотўғри ва зарарли мафкура асосига қурилган эди.

Аслида эркинлик ҳам, мустақиллик ҳам ҳуқуқни англашдан бошланади. Демак, бугунги кунда бизда ҳам жамиятнинг

маймиз”.

Инсон ўзи яшаётган давлат ва жамият қонунларини билмас экан, у доимий равишда кўнгилсиз ҳодисалар иштирокчиси бўлиб қолаверади. Майли, билмаслик айб эмас, билмасликка кўникиб қолиш айб. Чунки бизга барча нарсаларни билиш, англаш имконияти берилмаган, лекин табиат ва жамият қонунларидан маълум даражада бохабар бўлишимиз шарт. Чунки улуг аждодимиз

ри, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари, фармоишлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, Республика Бош прокурорининг буйруқ ва қўрсатмалари чоп этиб борилади.

“Вақтли матбуот нашрлари кўп. Уларнинг ҳар бири ўз қиёфаси, ўз сўзига эга. Аммо шундай нашрлар ҳам борки, уларни ўқиб бормасангиз ҳаётингизда нимадир етишмаётгандек бўлаверади. “Huquq” ва “Адолат кучи” газеталари мен учун шундай нашрлардан бири. Унда Президент фармонлари, ҳукумат қарори билан танишиб, ҳаётимизнинг турли қирраларини ўзида акс эттиратган танқидий-таҳлилий чиқишлар, муаммоли ва мулоҳазали мақолаларни мунтазам ўқиб бораман. Айниқса, ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда уларнинг ўзига хос ўрни бор. Шу туфайли ҳам “Huquq” ва “Адо-

ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТА КЕРАК...МИ?

Хўш, нима учун аҳолининг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишимиз керак? Чунки қадимги юнон файласуфи Эпикур таъбири билан айтганда, “Хатто энг бўлмағур қонун ҳам инсонлар учун зарурдир. Акс ҳолда одамлар бир-бирини гажиб ташлайди”. Ўша қонунлар менга, сизга, унга эмас, барча кишилар, умуман, жамият ҳаётига мос келмай қолган тақдирдагина, ўзимиз сайлаган депутатлар Парламентда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритадилар ёхуд қонунни бутунлай бекор қиладилар. Унга қадар мавжуд қонунларга бўйсунмоғимиз лозим.

Адолат қаерда қарор топади? Қаерда қонунлар ҳукмронлик қилса, ўша ерда! Қонунлар қаерда ҳукмронлик қилиши мумкин? Уларни бажармасликнинг иложи бўлмайдиган жойда! Қаерда бунинг иложи қолмайди? Кишилар ҳуқуқий маданиятга эга бўлган, қонунларни биладиган ва уларни рўйбга чиқаришдан манфаатдор бўлган ҳамда бунинг улдасидан чиқишнинг барча иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва сиёсий чоралари қўрилган, шароитлари таъминланган жойда!

Ҳуқуқий маданият тушунчаси фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлар-

дан хабардор бўлишдангина иборат эмас. У қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш маданияти демакдир.

Бугунги кунда сарҳад кўриқчиси автомат, деҳқон кетмон билан қуроллангани каби барчамиз ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билимлар билан қуролланмоғимиз даркор. Бу қурол сўз қуролидир. Сўз қуроли эса ҳарбий қуроладан ҳам кучли эканлигини демократия йўлидан бораётган жаҳондаги юзга яқин мамлакатнинг аксарият фуқаролари аллақачон англаб етишган. Ҳуқуқ фалсафаси тамойиллари асосида тарбияланган гарбу шарқ кишиси ўзининг гурур-ифтихори, ор-номуси, шаъну шарафини, аввало, ўз ҳақ-ҳуқуқи ва эркинлигига бўлган муносабатда кўради. Сиз унинг номини кўкларга қўтариб мактамаслигингиз, қуюқ салом беришмаслигингиз ёки шоҳона дастурхон беъза, ўз ҳурматингизни билдирмаслигингиз мумкин, лекин унинг инсон сифатидаги ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилишингиз шарт. Чунки у ҳуқуқий фалсафа, ҳуқуқий қадрият асосида вояга етган, болалигиданоқ “Ўз ҳуқуқингизни англашдангина одам бўласан”, деган тамойилга амал қилиб яшаган.

Муқосса учун шўро ҳукмронлиги давридаги ўзимиз

ҳар бир аъзоси ўз ҳуқуқи, бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётини эҳтиёжи сифатида англамас экан, ислоҳот, янгилаш ҳақидаги барча сўзларимиз, ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Йопонларнинг “Биз аввал мияни тўлдирайлик, мия эса қоринни тўйдирарди”, деган ҳикматли гапи бор. Очигини айтганда, биз халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги негиз паст, нега кишилар ўз ҳуқуқларини билмайдилар ва нега қонунларни ҳаётга таъбиқ этишда муаммолар кўплиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Хали ҳам ҳуқуқий тарбияга етарли эътибор бермаямиз. Инсон улғайиб, фаол турмушга киришиб, жиноят қилганда ёки қонунни буза бошлагандагина у содир этган ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларига қарши “муваффақиятли” кураша бошлаймиз. Кураш эса аслида оқибатга эмас, сабабга қарши қаратилиши лозим.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “Мамлакатимизда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятнинг етарли даражада эмаслиги жамиятда адолат меъдонларининг бузилишига олиб келмоқда. Очигини айтганда, ҳар биримиз ҳам Конституция ва қонунларимиз берган ҳуқуқларимизни яхши билмаймиз ва уни ҳимоя қила ол-

Сулаймон Бақирғоний таъбири билан айтганда, “Менинг хорлигим — ўз гафлатимдан”.

Ҳуқуқий маданиятчи шахс фақат қонунларни билибгина қолмай, уларга оғишмай амал қилади, итоат этади. У ўз ҳуқуқлари бошқалар томонидан бузилишига, қонунларнинг поймол этилишига доқайдлик билан қарамай, бу ҳақда жамоатчиликка хабар беради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларига, судга мурожаат қилиб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳимоялайди. Чунки адолат учун курашиш ҳуқуқий маданиятчи ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг бурчидир.

Биз мақоламизга “Ҳуқуқий газета керак...ми?” дея сарлавҳа қўйгандик. Юқорида биз қайд этиб ўтган мисоллардан кўринадик, ҳуқуқий газета керак экан. Унга республикамиздаги ҳар бир корхона ва ташкилот, олий ва ўрта махсус ўқув юрларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, академик лицей ва мактабларнинг ўқитувчи ва ўқувчилари, фермер хўжаликчиси, албатта, обуна бўлишлари, керак бўлса уни тикиб, маънавият хонасида сақлашлари лозим. Чунки унда ҳуқуқий мавзудаги мақолалар, газетхонларни қизиқтирган саволларга мутахассисларнинг жавобларидан ташқа-

лат кучи” газеталарини профессор-ўқитувчи ва талабаларимиз севиб ўқишади, ҳар сонининг чиқишини интизорлик билан кутишади”, деган эди Қарши Давлат университети ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси Муродилла ака Нормуродов бир суҳбатда.

Бугунги кунда юртимизда маънавият ва мафкура масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва дунёқарашини кенгайтириш, четдан бўлаётган турли мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бера оладиган маънавий қомил авлодларни тарбиялашга долзарб масала сифатида аҳамият берилаётган бир пайтда обунани ҳар бир таҳририятнинг “шахсий муаммоси”, деб қараш нотўғри бўлар эди. Матбуот миллий маънавиятга дахлдор соҳа. Шундай экан, республикамизда чоп этилаётган вақтли матбуот нашрларининг, айниқса, ҳуқуқий нашрларнинг обунаси ва ўз ўқувчилари қўлига етиб боришига барча раҳбар ходимлар, шунингдек, маънавият ва маърифат тарғиботига мутасадди бўлган инсонлар ҳам масъул бўлмоқлари даркор.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Адолат кучи» газетаси
бош муҳаррири

Янги давр журналистикаси:

талаб ва имкониятлар

Куни кеча Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида “Оммавий ахборот воситалари фаолиятини демократлаштириш ва янгилаш давр талаби: журналист маҳорати, масъулияти ва касб этикаси” мавзусида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда республикамизнинг турли газета ва журналларида фаолият кўрсатаётган журналистлар, олимлар ва ОАВнинг мутасадди ходимлари иштирок этишди.

Конференцияни Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигининг бош директори Б.Алимов очиб эълон қилди. Анжуманда ЎзМАН бош директори биринчи ўринбосари Ў.Жўраев, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани, тарих фанлари доктори Қ.Ирназаров ва бошқалар сўзга чиқишди.

Маърузачилар ўз нутқида журналист маҳорати, масъулияти ва касб этикаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишди. Онг муҳими, демократик жараёнларни оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, журналист фаолиятини журналистнинг касбий қондаларисиз тушуниш мушкуллиги таъкидланди. Журналистларнинг касбий фаоли-

тини амалга ошириш, ахборот олиш, тарқатиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган қатор меъёрий ҳужжатлар анжуман иштирокчилари ўртасида муҳокама этилди.

Табдир давомиде истиқдоломизнинг 18 йиллиги ва Тошкент 2200 йиллик юбилейига бағишланган газета ва журнал материаллари, телекўрсатув ва радио эшитиришлар таҳлил қилинди. Шунингдек, ахборот маконида ҳозирги давр талабига жавоб бермайдиган мазмун-мундарижаси, дизайни, матбоба ижроси саъз газета, журнал, телекўрсатув ва радиоэшитиришларнинг сифа-

ти ҳақида баҳс-мунозаралар тингланди. Газета ва журналлар таҳририятларининг ўз Устав (Низом)ларида белгиланган мақсад ва вазифаларига қай даражада риоя қилинаётгани ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусан, соҳага оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни чуқур ўрганиш, уларга қатъий риоя қилиш лозимлиги таъкидланди.

Конференция якунида анжуман иштирокчиларининг таклифлари ва келту-сидиги режалари тингланди.

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq» мухбири

Qayerdan:

Kattar va
jamiyatchilik bilan
aloqalar sahifasiQayerga: Toshkent shahri,
akademik Axb Fuzulov k'chasi, 66.
«Huquq» gazetasi taxfi-
ryatiga, 700047

«Huquq»ga javob

ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ РАСМИЙЛАШТИРИЛДИ

Сурхондарё вилояти Денов шаҳрининг Ш.Рашидов кўчаси 4-уй, 40-хонадонда яшовчи фуқаро А. Ботирова, бир йил аввал йўқолган фуқаролик паспортини тиклашда амалий ёрдам беришни сўраб тахририятга мурожаат қилган эди. Ушбу мурожаат хати тегишлилиги бўйича Сурхондарё вилоят ИИБга юборилган эди.

Яқинда ушбу ариза юзасидан Сурхондарё вилоят ИИБ Бошқарма ХЧК ва ФРБ билан Б.Қурбонов номидан фуқаро А. Ботированинг йўқолган паспортни ўрнига Денов туман ИИБ ХЧК ва ФР бўлими томонидан янги фуқаролик паспортни расмийлаштириб берилганлиги тўғрисида жавоб хати олинди.

Тахририят аризига ўз вақтида жавоб берганлиги учун Сурхондарё вилоят ИИБ ходимларига миннатдорчилик билдиради.

«НЕКСИЯ SONS» ФАКАТ ДОЛЛАРГАМИ?

Қашқадарё вилояти Қарши тумани, Қовчин қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қиluvчи Х.Назаровнинг 2008 йилда "Нексия Sons" машинасини сотиб олиш учун ОАО "Қашқадарёавтотеххимзат" автосалонида навбатга турганлиги ва уни сотиб олиш жараёни миллий сўмда эмас, балки АҚШ долларларида амалга оширилаётганидан норози бўлиб, тахририятга мурожаат қилган эди. Ушбу мурожаат юзасидан Ўзбекистон Республикаси "Ozavtotexhimzmat" бошқарув раиси муовини И.Бахадиров жавоб бериб, ушбуларни маълум қилди:

— Ҳозирги вақтда барча дилер корхоналари ишлаб чиқарувчи "GM Uzbekistan" ЕАЖ томонидан ажратилган автомобиллар фондида асосан: "Матиз 0,8L" ва "Нексия SONS" автомобилларни халқаро пластик карточка орқали ва "Нексия - DONS", "Матиз BEST" автомобилларни миллий валюта — сўмга савдо қилиб келишмоқда.

Фуқаро Х.Назаров ўз ихтиёрига кура "Нексия SONS" автомобилни халқаро пластик карточка орқали ёки "Нексия DONS" автомобилни миллий валюта — сўмга харид қилиши мумкин.

АРИЗА АНОНИМ ДЕБ ТОПИЛДИ

Денов туман Ш.Қобилов номли сулван фойдаланувчилар уюшмаси, "Уртақишлоқ" маҳалласида яшовчи Улаш Ражабова ва бошқаларнинг "Huquq" газетаси тахририятга маҳаллада электр энергияси ва табиий газ таъминотининг қонимсизлиги ҳақида туман газ таъминот корхонаси ҳамда туман ҳокимлигига қилинган мурожаатлари эътиборисиз қолдиб кетаётганлиги ҳусусида ёзган аризаси туман прокуратураси томонидан ўрганилди.

Келтирилган вақтларга аниқлик қиритиш мақсадида ариза муаллифлари билан суҳбат қилинганда О.Ибрагимов, Х.Раҳимова, У.Сувонкулов ва З.Бекмуродовлар аризадан хабарлари йўқлигини, ундаги имзо уларга тегишли эмаслигини кўрсатишган.

У.Ражабова исмли шахснинг эса бу маҳаллада яшамаслиги аниқланган.

Баён этилганларга асосан ариза "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги Қонуннинг 6-моддаси талабига кура аноним деб топилди, қўрилмасдан қолдирилди.

К.НИЯЗОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг ўринбосари

ТАСДИФИНИ ТОПМАДИ

Пастдаргом туман прокуратураси томонидан фуқаро С.Йўлдошевнинг тахририятга ёзган аризаси юзасидан терговли текшириш ҳаракатлари ўтказилди.

Аниқланишича, 2008 йил 20 апрел кунин Пастдаргом туман ҳокимлигида бўлиб ўтган "Қим ошди" аукцион савдоси орқали фуқароларга ақка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдонлари сотилган ва ушбу ерлар туманнинг "Чала" қишлоғи ҳудудидан ўлчаб берилиши белгиланган.

Фуқаролар томонидан ноқонун равишда қўшимча ер майдонлари эгаллаб олинганлиги сабабли туман прокуратурасига норозилик аризаси ёзилган. Ушбу ариза юзасидан 2009 йил 11 июль кунин туман ҳокимлиги ҳамда ИИБ ходимлари иштирокида ушбу ҳудуддаги ер майдонлари фуқароларга ўлчаб берилган. Ушбу ер майдонларини

ўлчаб берилиши жараёнида фуқаро С.Йўлдошев аукцион орқали ер майдони олмаган бўлса-да, "бу ерларни шу ерда яшовчи аҳоли олиши керак" деб фуқароларни нотўғри даъват қилганлиги сабабли туман ИИБ профилактика нозирин Н.Намозов томонидан тартибга чақирилган.

Терговли текшириш ҳаракатлари давомида аризачининг ўзига тан жароҳати етказилганлиги ҳолати тасдиғини топмаганлиги сабабли тегишли жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ш. ХУДОЙКУЛОВ,
Пастдаргом туман прокурори

Мададталаб мактуб

МУРОЖААТ ҚИЛИШГА МАЖБУР БЎЛДИК...



Мурожаатимиз юзасидан ҳеч қандай жавоб ололмагач, телефон орқали тахририят билан боғланганимиздан сўнг хат тааллуқлиги бўйича Компанияга юборилибди.

Биз бу орада шикоятимизни қўшимча равишда "Сирдарё ҳақиқати" газетасига йўллаган эдик. 8 август кунин бизнинг мурожаатимиз "Сирдарё ҳақиқати" да чол этилди. Мана, орадан 15 кун ўтган бўлса-да, "нима бўлди?" дегувчи топилмади.

Тегишли ташкилотларга ёзма равишда қайта шикоят қилганимиздан сўнг 18 август кунин газ

уланди.

Аммо, сўноганимиз ўзоққа бормайди. Рамазон ойининг бириччи кунин саҳарликка турганимизда яна ҳар доимгидек газ ҳам, электр энергияси ҳам узилган...

Яна мурожаат қилишга мажбур бўлиб, ушбу шикоят хатимизни Сизларга жўнатишга қарор қилдик.

Ахмадкул МАВЛОНБЕКОВ,
Сирдарё вилояти Янгйер шаҳар, Наврўзобод маҳалласида яшовчи бир гуруҳ темирйўлчи ишчи ходимлар ва маҳалла аҳли номидан

ТАХРИРИЯТДАН:

Ушбу мурожаат хати ёзилганда чамаси август ойининг 22 кунин бўлган. Ушбу хатга "Huquq" газетаси тахририяти ва бошқа бир неча ваколатли орган ҳамда идоралар манзилларига йўлланган шикоят, тўғрироғи "очиқ хат" илова қилинган. Унда "Қишлоқ тараққиёти ва форонолиги йили" Давлат дастури тўғрисидаги Қарор ижроси Янгйер шаҳар "Наврўзобод" маҳалласида бошқарув ташкилотлари томонидан қўпол равишда бузилаётганлиги, мавжуд ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ишлари ўз-ўзидан тугаб бораётганлиги, шунингдек, бошқа камчиликлар тўғрисидаги фикрлар 20 нафар темирйўлчи ишчи-ҳодимлар имзоси билан тасдиқланган. Тўғри, бу каби ҳолатлар биргина Наврўзобод маҳалласида эмас, балки кўпайиб қишлоқ ва туманлар аҳолиси учун муаммага айланган.

Аммо, Президентимизнинг "Қишлоқ тараққиёти ва форонолиги йили" Давлат дастури ижроси юзасидан жойларда бир қанча ижобий ишлар амалга оширилаётганлигини ҳам эътироф этиш жоиз. Ҳолбуки, биз қайси лавозимда бўлмайлик, хоҳ мансабдор, хоҳ олий фуқаро ўз ичимиз, вазифамизга сидқидилдан, энг асосийси ўзаро ҳурмат ҳисси билан ёндошсак, ўйлаймизки, бу каби камчиликлар ўз вақтида бартараф этилади. Шунинг учун ушбу мурожаатга тегишли ташкилот ва идоралар ўз ҳаракатлари билан ижобий жавоб беради, деган умиддамиз.

Муносабат

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир шахс ваколатли давлат органларига, муассасаларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, мурожаатлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатда қўриб чиқилиши шартлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида қатъий белгиланган бўлибди. Мазкур сиёсий ҳуқуқни таъминлаш мақсадида 2002 йил 13 декабрда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида" ги Қонун қабул қилинди.



АРИЗА БЕРИШ КЕРАКМИ ЁКИ ШИКОЯТ?

Фуқароларнинг мурожаатлари қўриб чиқилишини қасдланган ушбу Қонунда мурожаатнинг шакли, турлари, мақсади, уларни қўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлса-да, нафақат фуқаролар, балки ташкилот ва муассасаларнинг масъул шахслари томонидан Қонун талаблари баътафсил ўрганилган ва унга тўлиқ риоя қилинмоқда, деб бўлмайди.

Ушбу Қонунда белгиланганидек, мурожаатлар ёзма ва озғак шаклда берилиши мумкин. Агар шахс озғак мурожаат қилган бўлса, фуқароларнинг мурожаатларини қайд этиш дафтарига расмийлаштириш билан чекланмасдан, тегишли тартибда баённомада акс эттирилиши, баённома эса мурожаат қилган шахснинг имзоси билан тасдиқланиши лозим.

Фуқароларнинг мурожаатлари турлари ариза, таклиф ва шикоятдан иборат.

Таклиф қонунларни такомиллаштириш, давлат органлари, жамоат бирлашмалари ишини, аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, фаровон ҳаёт кечирини таъминлаш мақсадида бериладиган мурожаат бўлиб, у албатта фуқаролар томонидан берилади.

Ҳятто, шикоят берилган ҳолларда ҳам.

Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги итимоси баён этилган мурожаати бўлса, шикоят бузилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаатдир.

Маълумки, ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, ишчи эркин танлаш ҳуқуқига эга эканлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 23-моддасида белгиланган. Демак, шу ҳуқуқдан фойдаланиш мақсадида шахснинг ўзи эркин танлаган ишга эга бўлиши ёки вазифасидан иктиёрй бўлаши учун тегишли қорхона ёки муассасага қилган мурожаати ариза ҳисобланади. Борди-ю, шахс ўзи ишлаётган вазифасидан қонунга зид равишда, асоссиз бўлаштириб юборилса, унинг конституцийий ҳуқуқлари бузилган деб топилди ва бундай бузилган ҳуқуқни қайта тиклаш учун шикоят билан мурожаат қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 161-моддасида меҳнат ҳақ тўлаш ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган бўлибди. Ушбу муддатда иш ҳақи билан

таъминланмаган ҳодимда шикоят қилиш ҳуқуқи вуқудда келади.

Фуқароларнинг мурожаатини қўриб чиққан давлат органи, ўз навбатида унга мурожаатни қўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт. Ушбу ёзма жавоб хати ариза ёки шикоят юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор шахси томонидан имзоланади. Фуқаро мурожаатини қўриб чиқилиши натижаси ва қабул қилинган қарордан норози бўлса, унга қабул қилинган қарор устидан шикоят қилиши мумкинлиги ва шикоят қилиш тартиби тушунтирилиши лозим.

Оқоридагиларга кўра айтиш мумкинки, ариза — ҳуқуқни амалга ошириш учун қилинадиган мурожаат бўлганлиги боис, шахснинг ҳуқуқининг амалга оширмоқчи бўлган муассасага берилади. Шикоят эса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига мувофиқ, судга қилинадиган мурожаатдир. Суд томонидан давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан шахснинг қилган шикоятни қонун тартибда қўриб чиқилади.

Акрамжон ХУЖАМОВ,
хуқуқшунос

Бугунги кунда аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, айниқса, тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга барча шарт-шароитларни яратиб борасида қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Бу эса, бугуннинг долзарб муаммоси бўлиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзга келаётган вазиятлардан чиқишда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.



ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧ

Молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун зарур ресурслар босқиси яратилганлиги ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Исроф Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини ўрганиш, унда баён этилган модел бошқа давлатлар учун ҳам жаҳон иқтисодий инқирозидан чиқиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда андоза бўлиши мумкин десак, муболаға бўлмайди.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар Президентимиз таъбири билан айтганда, "Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун" эkanлигини унутмаслигимиз керак. Ҳар бир юзга келаётган муаммони ечишда тизимли таҳлилий ёндашилиб, рақамлар кетидан қувиш билан эмас, балки аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, тadbиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, унга тўсиқ бўлаётган ҳолатларга барҳам бериш йўллари топишимиз зарур.

Жаҳонда бўлаётган янгилеклардан хабардор бўлиб бориш, миллий манфаатларимиз йўлида олдимизга қўйилган вазифаларни сидқиларин бажариш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖД-ЛҚК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини

таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони асосан 2009 йилда ҳўжалик юритувчи субъектларда режалаштириладиган текширишлар сонини камайтирган ҳолда уларнинг сифатини яхшилашга оид бирмунча ишлар амалга оширилди.

Бугунги кунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ҳамда давлат бюджетига тўланаётган солиқларнинг асосий қисми кичик ва ўрта бизнес ҳиссасига тўғри келиши сабабли, кичик бизнес ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий шартларидан бири уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ижроси устидан назоратни қўлайитиришдир. Бу борада биринчи навбатда сохта тadbиркорликка, ички бозорда монополияга ва қонунларга амал қилмаган ҳолда фаолият юритиб, тadbиркорлик фаолиятини қонуний амалга оширувчиларга салбий таъсир кўрсатувчи фуқаролар ва ҳўжалик юритувчи субъектларга қонунбузарлик ҳаракатлари учун жазо муқаррарлигини тушунириб, чоралар кўриш асосий вазифадир.

Иқтисодиётини янада либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида тadbиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга тўқсизлик қилаётган ёки бу борада давлат томонидан берилаётган имтиёزلарни ниқоб қилиб олиб, "тadbиркорлик" билан шуғулланаётганлар, уларга ҳомийлик қилиб, қонунбузарликларга йўл қўётганлар ҳам йўқ эмас.

Тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказган, хизмат ваколатларини суиистеъмол қилган 45 нафар банди, 2 нафар божхона ходими, 1 нафар ИИБ ходими ва 1 нафар бошқа назорат идораси ходимларига нисбатан жиноят ишлари кўзга тушиб, уларнинг жиноий ҳаракатларига чек қўйилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ўрганилган тезкор-таҳлилий тadbирлар натижасида аниқланган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан давлат бюд-

жетига 26,9 млрд. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, қўшимча ҳисобланган маблағлар ва давлат эгаллигига ўтказилган товарларнинг сотилиши натижасида давлат бюджетига қўшимча 6 млрд. 842 млн. сўм ундирилди.

2007 йил 25 декабрда тасдиқланиб, 2008 йил 1 январдан қўллаб-қўйилган Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодексининг мазмун-моҳиятини тушунириш, солиқ соҳасидаги давлат сиёсатини тўғри юритиш борасида олиб борилган ишлар натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Департамент идораларининг асосий эътибори солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлашнинг мумкин бўлган янги канал ва механизмларини фойда қилишга қаратилган.

Миробод туманида фаолият юритиб келган "Осиё максад" МЧЖ маъсул мансабдор шахслари томонидан 2008 йилнинг 27 ноябидан 2009 йилнинг 31 январига қадар ҳисоб рақами орқали жами 6457,2 млн. сўмлик маҳсулотларини сотиб олиб, савдо қоидаларини бузган ҳолда нақд пулга сотиб, савдо тушумларини банк муассасасига инкассация қилмасдан, 322,8 млн. сўм миқдоридagi солиқларни тўлашдан бўйин товлаганликлари аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар қўрилган.

Бошқармаимиз томонидан чет давлатлардан контрабанда йўли билан товарларни ноқонуний олиб келиб, қонуний фаолият юритаётган тadbиркорларга салбий таъсир кўрсатиш, ноқонуний нақд пул айланишини амалга ошириш ва яширин фаолият юритиб, сифатсиз маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи шахсларни ҳамда сохта тadbиркорларни аниқлаш борасида ҳам ишлар амалга оширилган.

Жорий йилда четдан контрабанда йўли билан товарларни олиб келиб, мамлакат ҳудудида ички бозорда муомалага киритиш орқали ҳалол тadbиркорларга салбий таъсир кўрсатмоқчи бўлган қонунбузарлар аниқланиб, тегишли чоралар қўрилди. Жорий йилнинг 7 ойида то-

варларнинг ноқонуний импорти ва ички бозордаги ноқонуний ҳаракати бўйича 148 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан 3,9 млрд. сўмлик товарлар олиб қўйилган ва қонунда белгиланган чоралар қўрилган. Шунингдек, тadbиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда банк фаолиятига боғлиқ қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан кескин чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Бошқарма маҳкамаси ва туман бўлимлари томонидан доимий равишда банк муассасаларининг нақд пул тушумини инкассация қилмаган ёки белгиланган нақд пул топшириш режасини бажармаган ҳўжалик юритувчи субъектлар тўғрисида тақдим этилган маълумотлар асосида назорат ишлари олиб бориюмоқда.

Сергели туманида фаолият юритиб келган "МОТО ТРАНС СИСТЕМ" МЧЖ раҳбари Н.Худойбердиева 2009 йил 13-31 март кунлари пул ўтказиш йўли билан олинган жами 786,6 млн. сўмлик озиқ-овқат ва ҳўжалик молларини савдо қоидаларига риоя қилмаган ҳолда аҳолига нақд пулга сотиб, савдо пулларини банк муассасаларига инкассация қилмаганлиги аниқланиб, Ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, жиноий фаолиятга барҳам берилди.

Ўзимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган заргарлик буюмларида асиллик даражасини белгилувчи тамгалари мавжуд бўлмаган ёки шубҳали бўлган заргарлик буюмларини муомалага киритиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан жами 4 млрд. 205 млн. сўмлик заргарлик буюмлари, 28,7 млн. сўм пул ва 1456 АҚШ доллари далайлий ашё сифатида олиб қўйилган.

Департамент органлари ҳуқуқбузарлик фактларини аниқлаш билан чегараланиб қолмасдан, ушбу ҳолатларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини ҳам кўришмоқда. Хусусан, тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётини янада эркинлаштириш борасида тadbиркорлар билан жойларда сайёр учрашувлар ўтказилмоқда. Шунингдек, ёзма ва оғзаки мурожаатларидан ташқари, ҳуқуқлари бузилган шахслар учун ишонч телефонлари орқали мурожаат қилиш

имконияти яратилганлиги яна бир бор фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга кенг шароит яратилганидан дарак беради.

Конституциямизнинг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрга эга ҳисобланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотлар марказида ҳар доим биринчи ўринда инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари туради.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қўллаб қўйилган ҳимоя ҳуқуқини кафолатлаш соҳасида муҳим ўзгаришлар юз берди.

Жиноят процессида процесс иштирокчиларига малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Ўзбекистонда ўтказилаётган тadbирларда ҳар бир гуноҳ қилинувчи ва айбланувчи муқаддам назарда тутилган ҳуқуқлари билан бир қаторда: ушлаб турилганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокат ёки яқин қариндошига телефон орқали хабар бериши; кўрсатувлардан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши қўйиладигани мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши; учрашувларнинг сони ва давом этиши вақти чегараланмаган ҳолда ҳимоячилар билан холи учрашиши; дастлабки тергов тамом бўлганидан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиб чиқиш ҳамда ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш, материал ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида кўчирма нусха олиши таъминланмоқда.

Амалга оширилаётган сайёҳаракатларимиз давлатимиз раънақи, халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун хизмат қилади. Бу эса ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг Ватан олдидаги бурчидир.

И.ШУКУРОВ,
Бош прокуратура
ҳузуридаги СВОЖД-ЛҚК
Департаментининг
Тошкент шаҳар
бошқармаси бошлиғи

Юрт тинчлиги, Ватан манфаати, халқ фаровонлиги йўлида қилинган ҳар қандай меҳнат улуғланади. Иноят ака Шукровнинг ҳам прокуратура соҳасида қилган меҳнатлари безътибор қолмади. Фидокорона хизматлари, касбига садоқати муносиб баҳолашиб, Ватанимизнинг шарафли мукофоти — "Жасорат" медали билан тақдирланди. Фурсатдан фойдаланиб, Иноят акани ушбу мукофот билан муборакбод этамиз. Ҳайрату шижоат Сизни ҳеч қачон тарк этмасин, ҳурматли Иноят ака!

ТАХРИРИЯТ

РҲЙХАТ КИФОЯ ЭМАСМИ?

Кейинги пайтларда шахримизда биз учун янги бўлган фаолият тури, яъни кредит уюшмалари кўпайиб кетди. Демак, бу ҳам тадбиркорликнинг бир тури экан. Айтингчи, бундай фаолият билан шуғулланиш учун тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиб ишласа бўладими?

Э.ЖҲРАЕВ,
Тошкент шахри

Бундай фаолият тури билан шуғулланиш учун давлат рўйхатидан ўтишдан ташқари лицензия олиш ҳам керак бўлади. Чунки кредит уюшмалари фаолияти лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турига киради.

НИКОХ ОҚИБАТЛАРИ

Мен турмуш ўртоғим билан ўн бир йил яшадим. Лекин келишиммай қолганимиз учун ажрашдик.

Эшитишимча, никоҳдан ажралгандан сўнг фарзандлардан ташқари эр-хотин ҳам бир-бирига алимент тўлаши керак экан. Шу тўғриси?

Ш.ХАМИДОВА,
Самарқанд шахри

Оила кодексидан шундай талаб назарда тутилган. Бироқ бу барча ҳолатларга татбиқ этилмайди. Бунинг учун етарли маблагга эга бўлган собиқ эр-хотин кўйидаги ҳолатлар юзгага келганида бир-бирига таъминот бериши талаб этилади:

- собиқ хотин ҳомиладорлик даврида ва ўртада бола тутилган пайтдан эътиборан уч йил давомида;
- ўртадаги ногирон бола 18 ёшга тўлгунча;
- никоҳдан ажралгунга

қадар ёки никоҳдан ажралгандан кейин бир йил давомида меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган эр ёки хотинга;

- никоҳдан ажралган пайтдан бошлаб беш йил ичида пенсия ёшига етган ёрдамга муҳтож хотин(эр), агар эр-хотин узоқ вақт никоҳда турган бўлса, суд тартибидан алимент талаб қилишга ҳақлидир.

Никоҳдан ажралгандан кейин собиқ эр ёки хотинга тўланадиган алимент миқдори ва уни тўлаш тартиби ўзаро келишув асосида белгиланиши мумкин.

МЕНИНГ ТУРАР ЖОЙИМ

Мен яқинда Тошкентдаги қариндошимизниқига уй юмушларида ёрдамлашш учун борган эдим. Зарурат юзасидан у ерда бир ойдан кўпроқ вақт қолишга тўғри келди. Шунда худуд милиция назоратлари келиб паспорт режимини бузаётганимни ва икки кун ичида бу ердан чиқиб кетишимни ёки рўйхатга туришим кераклигини айтишди. Нима учун бундай қилиш керак? Ахир мен бу ерга вақтинчага келганиман-ку? Агар милиция ходимлари айтганини қилдирган бўлсам, ўз тураар жойим рўйхатидан чиқишимга тўғри келади-ку?

Н.ОЙМАТОВА,
Шахрихон тумани

Бу ҳолатда милиция ходимларининг сизга нисбатан қўйган талаблари тўғри. Чунки муайян тураар жойини доимий ёки вақтинча ўзгартирган шахс ИИБдан тегишли тартибда рўйхатдан ўтиши лозим. Бунда у доимий яшаб турган жойидан бошқа жойда уч кундан ортиқ вақт бўлганида, доимий тураар жой рўйхатидан (прописканидан) чиқмаган ҳолда айтилган яшаб турган жойига вақтинча рўйхатга туриши шарт. Бу муддат 3 кундан 6 ойгача ташкил этади. Агар шахснинг бошқа жойда бўлиши 6 ойдан ошадиган бўлса, вақтинча бошқа жойда рўйхатга туриш доимий тураар жой рўйхатидан чиқарилган ҳолда амалга оширилади.

ВАҚТИНГ ТУГАДИ

Мен хусусий фирмада мутахассис бўлиб ишлайман. Лекин шу билан бирга фирма ташкил этилганидан бери ярим ставкада кадрлар бўйича масъул ходим вазифасини ҳам бажариб келаман. Ҳар йили ҳар бир ходим билан фақат бир йилга шартнома тўзамиз. Агар ходимлар билан келгуси йилга шартнома тўзмасак, муддатли тўғасан меҳнат шартномаси бўйича келгуси йили ҳам ишласа бўладими? Агар ходимлардан бирортаси меҳнат шартномасининг муддати тўғайган вақтда узоқ муддатга хизмат сафарига юборилган бўлса, унда унинг меҳнат шартномасини бекор қилиш қандай бўлади?

Б.ТУРСУНОВ,
Тошкент шахри

Агар иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасининг муддати тугаган бўлиб, меҳнат муносабатлари давом эттаверса ва тарафлардан бирортаси (иш берувчи ёки ходим) бир ҳафта давомида уни бекор қилишни талаб қилмаса, шартнома номуайян муддатга

узайтирилган деб ҳисобланади.

Меҳнат кодексининг 105-моддаси талаби бўйича, хизмат сафарига юборилган ёки иш жойи сақланиши лозим бўлган, лекин меҳнат шартномаси бекор қилинадиган вақтда ишда бўлмаган ходим билан тузилган меҳнат шартномаси у ишга қайтган кундан эътиборан бекор қилинади.

КИМ ҲАҚ?

Ўтган йилнинг ноябрь ойида бир одамни ишга олган эдик. Шу йилнинг июль ойида у йиллик меҳнат таътилини олди. Таътилдан қайтган эса, ҳеч қанча ишламасдан туриб ишдан бўшаётганини сўраб ариза берди. Директоримиз унинг аризасига қўл қўйиб, ҳисоб-китоб қилишни буюрди.

Ходимни ишдан бўшатаётганида юристимизга меҳнат шартномасининг муддати тўғасамдан туриб бекор қиладиган бўлсак, унда ходим иш берувчига неустойка тўлашини айтсам, у йўқ тўламайди деди. Шу тўғриси?

Т.РУСТАМОВ,
Жиззах шахри

Бу ҳолатда ходим дастлаб ишга олинаётган вақтда тузилган меҳнат шартномасида у муддатидан олдин бекор қилинганида томонлар неустойка тўлаши тўғрисида келишув бор ёки йўқлигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилаётганда бундай

шарт қўйилган бўлса, унда меҳнат шартномаси қайси тарафнинг ташаббуси билан бекор қилинган, ўша томон неустойка тўлаши керак.

Бу шартнинг меҳнат шартномасида белгиланмаганлиги эса, томонларни неустойка тўлашдан озод этади.

ПУЛЛИК МЕҲНАТ

Озодликдан маҳрум этилган шахс, мажбурий меҳнатга жалб этилганда уларга ушбу меҳнати учун ҳақ тўланадими? Агар тўланадиган бўлса, жазодан озод этилганидан сўнг ўзи билан қанча миқдорда пул олишга ҳақли бўлади?

Н.ЗАРИПОВ,
Тошкент шахри

Албатта ҳақ тўланади. Меҳнат нормаларини тўлиқ бажарган маҳкумга ҳисобланган иш ҳақи унинг шахсий ҳисоб ва рағига ўтказилади. Бунда ушбу ҳисоб ва рағига ёзилган иш ҳақининг камида йигирма беш фоизи, олтинчи ёшдан ошган эркакларнинг, эллик беш ёшдан ошган аёлларнинг, I ва II гуруҳ ногиронларининг, ҳомиладор аёлларнинг ҳамда жазони ижро этиш муассасалари қошидаги болалар уйида боласи бор аёлларнинг, шунингдек, манзил-колониялар ва тарбия колонияларидаги маҳкумларнинг ҳисоб ва рағига эса камида эллик фоизи ўтказиб берилади.

АЙБСИЗ ШАХСНИНГ АЙБИ

Ишхонамизда бундан ўн йил олдин ишлаган бир ҳамкасбимиз катта миқдордаги мол-мулкни ўзлаштириб, қочиб кетган эди. Бу ҳолат маълум бўлгач, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилдик. Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари бошланди. Лекин айбдор шахс қочиб кетганини боис тергов вақтинча тўхтатилиб, унга нисбатан қидирув эълон қилинди. Орадан олти йилдан кўпроқ вақт ўтгач, ўша одам қайтиб келди ва келтирган моддий зарарни тўлади ва шу вақтда чиққан амнистия актига кўра унга жазо белгиланмади. Энди ана шу амнистия тўғрисида жазодан озод қилинганини учун у ўзини мутлоқ айбсиз деб ҳисоблаб юрибди. Шу тўғриси?

Р.ЛАПАСОВ,
Фарғона шахри

Жиноят кодексига шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган жимийон хавфли қилмишлари учунгина жавобгарликка тортилиши шартлиги белгиланган. Шу билан бирга айбсизлик презумпцияси деган принцип бор. Бу презумпция ҳақиқатан ҳам шахснинг хатти-ҳаракатида суд томонидан тегишли равишда ҳуқуқий баҳо берилмасдан туриб, яъни суднинг қонуний қучга кирмаган ҳукми-сиз шахсни у ёки бу хатти-ҳаракатни содир этишида айб деб топиш мумкин эмаслигини назарда тутса-да, лекин муайян қилмишни содир этишида айблаган ва тергов ҳаракатлари олиб борилаётган пайтда эълон қилинган амнистия актига кўра мазкур қилмиш учун белгиланган жазодан озод қилинган тақдирда ҳам бу шахс айбсиз деб топиламан. Масалан, тилга олинган

шахсга нисбатан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 1997 йили ЖКнинг 167-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганлигига оид жиноят ишининг қўзғатилганлиги ва орадан 6 йил ўтгач қайтиб келиб, жамоага келтирган 450 минг сўм миқдордаги моддий зарарни ихтиёрий равишда тўлашининг ўзи содир этган қилмишига иқдор бўлганлигини билдиради. Чунки, агар шахс содир этган қилмишига иқдор бўлмаганида келтирилган зарарни ҳамда қўлланган амнистия актига нисбатан норозилик билдириб, қўйилаётган айб (ЖКнинг 167-м. 4-қ.) ва олиб бориладиган тергов ҳаракатининг устидан судга шикоят қилиши ва иш умумий асосларда (ЖПКнинг 84-моддасида белгиланган тартибда) давом эттирилиши мумкин эди. Шу жиҳатдан қараганда шахснинг айблили масаласига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тегишли ҳуқуқий баҳо берилган.

МЕН НОҲАҚДАН...

1999 йили менга тўхмат қилиб, айб қўйишди ва шу тўғрисида ишдан бўшашилди. Суд ҳукмига кўра менга уч йилга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланиб, амнистияга кўра жазодан озод қилиндим. Лекин шунга қарамай, мени аввалги иш жойимга ишга олишмаяпти. Мен айбим йўқлиги тўғрисида озод қилинган бўлсам, олдинги ишимни қайтаришга мажбур эмасми?

З.МИРОНОВ,
Самарқанд вилояти

Агар суд томонидан белгиланган жазодан эълон қилинган амнистия актига кўра озод қилинган бўлсангиз, бу сизнинг айбсиз эканлигингизни билдиради. Жазодан амнистия актига кўра озод этиш инсонпарварлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, содир этилган қилмишнинг кечирилганини билдиради. Агар сиз бундан норози бўлсангиз, мазкур ҳолат юзасидан

юқори турувчи органга шикоят билан мурожаат қилишингиз мумкин.

Иш масаласига келадиган бўлсак, агар жиноят иши бевосита иш фаолиятингиздан келиб чиққан ҳолда қўзғатилиб, суднинг ҳукми ана шу асосда чиқарилган бўлса, сизга қўйилган айб юзасидан оқлов ҳукми чиқарилган тақдирдагина аввалги ишингизга тикланишингиз мумкин. Бунда ўтган вақт мобайнидаги иш ҳақи тўлаб берилади.

ҲАДЯ ТЕКИНМИ ЁКИ ПУЛЛИК?

Мен бир жилимга тиррикчиликда фойдаланиб юриши учун ўз автомашинамни ҳада қилмоқчи эдим. Агар бу автомашинани унга совға қилсам ҳада учун солиқ солинадими? Ҳада қилишни расмийлаштириш учун қарерга мурожаат этиш керак?

Ж.ҚОСИМОВ,
Балиқчи тумани

Солиқ кодексининг талабига кўра, ҳада қилинган суммалар ва мол-мулк қийматига солиқ солинади. Чунки, ҳада мазкур кодекснинг 171-моддаси бўйича, моддий наф тарзидаги даромадлар сирасига киради.

Ҳадияни расмийлаштириш учун эса нотариал идораларга мурожаат этиш лозим.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙ! Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Huquq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки 233-26-62 телефон рақамига қўнғироқ қилиб беришингиз ҳам мумкин.

Саволларга
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб берди

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланди. Бу бежиз эмас албатта. Чунки мазкур соҳанинг нечоғли ривожланганлиги мамлакат иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлайди. Бу ўринда Бухоро вилоят адлия бошқармаси томонидан давлат бошқарув органларида ҳамда назорат қилувчи органларда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларига rioя қилинишини янада яхшилаш мақсадида белгиланган иш режа асосида жойларда доимий равишда ўрганишлар ўтказиб келинмоқда. Амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида вилоятда тадбиркорларнинг адлия идораларига бўлган ишончи кундан кунга ошиб бормоқда.

Хусусан, вилоят адлия бошқармасига 2009 йилнинг 6 ойида жами 52 та тадбиркорлик субъектлари фаолиятига оид ариза ва шикоятлар келиб тушди. Уларнинг 21 таси қаноатландирилди, 18 тасига эса ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Адлия бошқармасининг

ижро этмаётганлигидан норози бўлиб, бошқарманинг "Ишонч телефони"га қилган мурожаати ўрганилганда, АТИБ "Ипотека банк" Бухоро шаҳар филиалининг "Алломиш" минни банки томонидан МЧЖ тақдим этган тўлов топшириқномаси ижро этилмаддан, асоссиз равишда

Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларига rioя қилиниши, бу соҳалардаги муаммоларни аниқлаш ва қонунбузилишларни бартараф қилиш вилоят адлия бошқармасининг доимий диққат марказидадир.

Хусусан, 2009 йилнинг 6 ойи давомида жойларда ўтка-

қарорнинг эса ижроси тўхтатилди, ноқонуний ундирилган 1,1 млн. сўм маблағ тадбиркорларга қайтарилишига эришилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тегишли идора ва ташкилотларга қонунбузилишларнинг олдини олиш борасида жами 133 та огоҳнома ҳамда 16 та кўрсатма киритилди.

2009 йил 6 ойи давомида тадбиркорлар манфаатини кўзлаб, уларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш, моддий ва маънавий зарарларини ундириш тўғрисида бошқарма томонидан судларга жами 169,3 млн. сўмлик 109 та даъво аризалари киритилди.

Ахбар АБРАЕВ,
Бухоро вилоят адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

"Ишонч телефони"га (008) 2009 йилнинг ўтган 6 ойи давомида тадбиркорлик субъектларида жами 80 та мурожаатлар бўлди. Масалан, Пешку туманида фаолият кўрсатаётган "Шухрат Машсервис" МЧЖ раҳбари Т.Раҳмоновнинг АТ "Ипотека банк"нинг Бухоро шаҳар филиали тўлов топшириқномасини

пул маблағларини "Бухоро парранда" акциядорлик жамиятига кўчириш рад этилганлиги аниқланиб, филиал мудир Садриддин Тошовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 241-моддаси билан айбли деб топилиб, суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортилди.

зилган ўрганишлар давомида жами 2835 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, киритилган тақдимномаларга асосан 178 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, уларнинг 8 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод этилди. Шунингдек, 49 та ноқонуний қарор бекор қилинди, 22 та

ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ УЧУН

2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилнинг 15 май куни эса Президентимиз томонидан "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор қабул қилиниб, мазкур қарор билан тадбиркорлик субъектларига бир қанча қўшимча имтиёз ва кафолатлар яратиб берилди. Жумладан, 2009 йил 1 июндан бошлаб уй-жой бинолари ва иншоотларнинг ўлчов ишларини ўтказиш, техник инвентарлаштириш, паспортлаштириш ҳамда баҳолаш бўйича кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқиш, яшашга мўлжалланмаган, бинолар ва иншоотлар кадастри учун бинони ўрганиб чиқиш, баҳолаш ҳамда паспортини тузиш ишларининг тарифлари икки баробар, топография-геодезия ишлари комплексини ошириш ва кадастр хизматлари томонидан кўрсатиладиган бошқа турдаги хизматлар учун тарифлар 40 фоизга пасайтирилди.

Объект қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқишда архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш қиймати тадбиркорлик субъектлари учун икки баробар, яъни энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 10 баробаригача пасайтирилди, муҳандислик коммуникацияларига уланиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш тўловлари бутунлай бекор қилинди. Натижада, аввал тадбиркор архитектура-режалаштириш топшириқларини тайёрлашга жами энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорда ёки 1,1 млн. сўмдан кўпроқ тўлаши лозим бўлган бўлса, эндиликда ушбу сума 280,4 сўмгача, қишлоқ жойларда эса 140,2 сўмгача пасайди.

Лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ўтказиш қиймати энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 3 баробаригача пасайтирилди. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган бож миқдори энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан 2 баробаригача камайтирилди.

Касаначиликни ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Қабул қилинган қарорда кичик корхоналарга касаначилар билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳодимлар сонининг чекланган нормативдан кўпи билан 30 фойз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқи берилиб, айни вақтда улар кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қолмоқда.

Бундан ташқари, Президентимизнинг юқорида таъкидланган қарори билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ҳамда Савдо саноат палатасига жойларда давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига rioя қилиниши мониторингинг олиб бориш вазифаси юклатилди. Шунингдек, ушбу идораларга жойлардаги давлат бошқаруви ва давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисида, тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи қарорлар қабул қилган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга даъво аризалари киритиб боришлари белгиланб қўйилди.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга берилган кафолат ва имтиёзларнинг қўлланилиши юзасидан ўтказилган ишлар натижасида тегишли давлат ҳокимияти органлари, назорат қилувчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 93 та тақдимнома киритилди, уларнинг ижроси бўйича 158 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 10 нафар шахс вазифасидан озод этилди. Тақдимнома ижроси бўйича 17 млн. 798 минг 140 сўм тадбиркорлик субъектларига қайтарилди. Тошкент вилоят прокуратурасига 1 та жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан таклиф киритилди, маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан 21 та таклифлар ва маъмурий баённомалар расмийлаштирилиб жиноят ишлари бўйича судларга юборилди. 19 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Масалан, 2009 йилнинг февралда Чирчиқ шаҳридаги яқка тартибдаги тадбиркор Ф.Махманисева "Ўзсаноатқурилишбанк" Чирчиқ филиалига терминал ўрнатиб беришни сўраб ёзган аризаси амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда расман қайд қилинмаган.

Мазкур ҳолат атрофчида ўрганилганда, Чирчиқ шаҳрида фаолият юритаётган 31 та тадбиркорлик субъектининг терминал билан таъминлаш тўғрисидаги аризалари худди шу аҳволда банк филиалида эътиборсиз ётганлиги аниқланди.

Аниқланган ҳолатлар юзасидан "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Тошкент филиалига тақдимнома киритилди. Тадбиркор Ф.Махманисевани терминал ўрнатиб берилди ва банк филиали ходими интизомий жавобгарликка тортилди. Банк ходими А.Шамшетовни МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан маъмурий баёнома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар судига юборилди. Суднинг қарори билан А.Шамшетов 560 минг 80 сўм миқдорда жаримага тортилди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорларга турли имтиёз ва кафолатлар берилганлиги, уларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими яратилганлиги мамлакатимиз раванки учун хизмат қилиб, аҳоли фаровонлигининг ошишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Иброҳим ХАТАМОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб тадбиркорлик, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш борасида адлия идоралари ҳам ўзига хос ҳисса қўшиб келмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоят адлия бошқармасига 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида жами 123 та ариза келиб тушган бўлиб, шундан қаноатландирилган аризалар сони 64 тани ташкил қилади. Бу каби ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан тегишли таъсир чоралари қўлланилиб келинмоқда. Масалан, Чироқчи туман "Кенг қанот" хусусий фирмасининг банк хизматлари талаб даражасида кўрсатилмаётганлигидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганилганда, АТ "Пахтабанк"нинг Чироқчи филиали томонидан асоссиз ушлаб қолingan 4000000 сўмини ундириш ҳақида судга даъво аризаси киритилиб, мазкур суммани ундириш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинишига эришилди.

ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг "Ишонч телефони"га келиб тушган мурожаатлар сони 59 та, шундан 38 таси қаноатландирилган, 17 таси бўйича ҳуқуқий тушунчалар берилган.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида жойларда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига rioя этилиши юзасидан ўтказилаётган ўрганишлар ҳамда улардан келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқилиши жараёнида аниқланган қонунбузилишлар бўйича туман ва шаҳар ҳокимликлари, назорат қилувчи органларга ва тегишли ташкилот, муассасаларга нисбатан жами 81 та тақдимнома киритилди.

Киритилган тақдимномаларга асосан интизомий жавобгарликка тортилганлар сони 50 тани ташкил қилади. Шундан 30 таси "ҳайфсан", 18 тасига жарима интизомий жазо чораси қўлланилган, 2 нафар масъул мансабдор шахс вазифасидан озод қилинди. Жумладан, Яқкабоғ туман ДСИда тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларига rioя этилиши аҳоли ўрганилганда, ДСИ масъул мансабдор шахслари томонидан қонун талабларига rioя этилмаганлиги ҳолатлари аниқланиб, Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимнома вилоят ДСБнинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, Яқкабоғ туман ДСИ Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг олиб бориш шўъбаси катта инспектори У.Қўқоров вазифасидан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3665-сонли Фармонида асосан текширишлар сонини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлишига қарамастан, айрим назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган текширишлар сони ошиб бораётганлиги ёки текширишларнинг белгиланган тартибини бузиш ҳолатлари содир этилганлиги аниқланди.

Масалан, Қарши туман Шойхўжа қишлоғида яшовчи фуқаро О.Ориққуловнинг Қарши тумани, Мукимий кўчаси 2-уйда фаолият кўрсатаётган "Шарафиддин Нурулло" хусусий фирмаси бошлигининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган аризаси Қарши туман ДСИ томонидан 2009 йил 4 майда рўйхатга олинмиб, ижро учун Қарши туман ДСИ ходимлари Б.Дўстмуродов ва Р.Ҳаққуловларга берилган. Туман ДСИнинг буйруғисиз ва тегишли тартибда русхатнома олмастан Б.Дўстмуродов ва Р.Ҳаққуловлар фирмада ариза юзасидан текшириш ўтказиб, фирма ходимларидан тушунтириш хатлари ва ҳужжатларидан нусхалар талаб қилиб олинган ҳамда маълумотнома тузилган.

Ўтказилган текшириш натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан жазо қўллаш юзасидан киритилган тақдимномага асосан Қарши туман ДСИ ходими Б.Дўстмуродовга "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилган ҳамда Р.Ҳаққулов эғаллаб турган вазифасидан озод этилган.

Бундан ташқари, масъул ходим Р.Ҳўжақуловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий иш кўзатилиб, ЖИБ туман судига юборилган.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ўтказилаётган ўрганишлар ҳамда келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқиши натижалари бўйича 1 102 357 328 сўмлик 72 та даъво аризаси киритилган бўлиб, шундан 287 731 497 сўмлик 49 та даъво аризаси қаноатландирилган.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг ижроси алоҳида назоратга олинган бўлиб, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларнинг жавобгарликка тортилиши чоралари кўриб борилади.

Шодибек МАМАТОВ,
Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

Дастурхонимизнинг тўкин бўлиши, бозорларимиз мўл-кўллиги кўп жиҳатдан қишлоқ аҳолисининг фидокорона меҳнати натижаси эканлиги исбот талаб қилмайди. Бугунги фермер нафақат қишлоқ ҳўжалигини, балки ўз ҳақ-ҳўқўқларини ҳам, мамлакат олдидаги бурчини ҳам яхши англайдиган ишбилармонга айланди. Прокуратура органлари уларнинг ҳўқўқ ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган ҳиссалари самарадорлигини оширишга ҳаракат қилмоқдалар.

Хўсусан, Сирдарё вилоят прокуратуралари билан фермерлар ўртасида ўзаро ишончли ҳўқўқий алоқалар ўрнатилган. Шу сабабли ҳам фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ўз фаолиятларига тўққинлик қилаётган ҳар қандай муаммо юзасидан биринчи навбатда прокуратура органларига мурожаат қилишмоқда. Айниқса, фермерлар агротехника хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмлар етказиб бериш ва бошқа соҳаларда ўзлари-

қали 2 дона шинани 2008 йилнинг охирига қадар етказиб бериш ҳақида шартнома тузиб, шартномага асосан 767,0 минг сўм пул маблағини 17.06.2008 йил куни тўлиқ ўтказиб берган бўлса-да, марказ томондан фақат 1 дона №9.00 х 16 маркали шина етказиб берилганидан норози бўлиб 2009 йил февраль ойида

мадиснинг фаолиятини кенгайтириш учун кредит сўраб 2009 йил май ойида "Микрокредит"-банкнинг Гулистон филиалига мурожаат қилган. Аммо унинг мурожаати эътиборсиз қолган, бундан фермер вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат қилган. Прокуратура томонидан мазкур мурожаатлар атрофлича

фермер ҳўжалиги раҳбари О.Қодировга вилоят прокуратураси аралашуви билан чорвачилик йўналиши бўйича 12,1 гектар ер майдони ажратиб берилиши таъминланди.

Бу мисоллар вилоят прокуратураси органлари томонидан амалга оширилаётган ишлардан кичик бир мисол, ҳолос. Фермер ҳўжаликлари манфаатларини ҳимоялашга қаратилган бундай тадбирлар вилоят прокуратураси органлари томонидан доимий равишда олиб боришмоқда, ҳатто айтиш мумкинки, фермерларга ўз фаолиятларини ҳозирги кун талаби даражасида олиб боришлари учун ҳўқўқий ёрдам кўрсатиш кўндалик вазифага айланиб қолди.

ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

нинг қўнуний манфаатларини ҳимоялаш, тиклаш юзасидан тез-тез мурожаат қилишди.

Жумладан, Мирзабод туманидаги "Ўбайдулло" фермер ҳўжалиги раҳбари Н.Шофозилов, вилоят техника маркази билан фермер ҳўжалигининг МТЗ-80 русумли тракторига 1 дона №9.00 х 16 маркали ва №13,6 х 38 мар-

вилоят прокуратурасига мурожаат қилди. Ўрганиш натижасига кўра, №13,6х38 маркали 560 минг сўмлик 1 дона шина "Ўбайдулло" фермер ҳўжалигига етказиб берилиб, қўнуний манфаатлари ҳимояси таъминланди.

Шунингдек, Сардоба туманидаги "Олимхўжа чорва сир" фермер ҳўжалиги раҳбари М.Мухам-

ўрганиб чиқилганда, ҳақиқатан ҳам М.Мухаммадиевнинг манфаатлари бузилганлиги аниқланиб, фермерларнинг аризаси қаноатлантирилди ва унга кредит берилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари, Гулистон туманидаги "Истиклол" СФУ ҳудудидаги собиқ "Халил ота-2"

Исқандар КАМОЛОВ,
Сирдарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

ФЕРМЕР ҲЎҚЎҚЛАРИ ҲИМОЯСИДА

Сурхондарё вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ ҳўжалигига доир қўнулар ижросини таъминлашга оид назорат тадбирлари мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Мазкур йўналишда асосий эътибор фермер ҳўжаликларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳўқўқ ва қўнуний манфаатларини ҳимоялашга қаратилмоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида йилнинг дастлабки ярми мобайнида ўтказилган назорат тадбирлари натижаси бўйича 713 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилди. Жумладан, туман ҳўқимларининг 17 та қўнунига зид қарорлари бекор қилинди, қўнубузилиш ҳўлатларини бартараф қилиш юзасидан 13 та тақдимномалар киритилди, 34 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, жиддий қўнубузилиш ҳўлатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди, фермер ҳўжаликларининг манфаатларини қўллаб, судларга 11 та даъво аризалари киритилди, 16 та фермер ҳўжаликларининг бузилган ҳўқўқлари тиклиниши таъминланди. Хўсусан, пахта ва ғалла ҳўқимлари етиштириш учун ажратилган имтиёзли кредитлар АТ "Агробанк" Бандихон филиали томонидан ўз вақтида берилмаганлиги аниқланиб, вилоят прокуратураси аралашуви билан фермер ҳўжаликлари минерал ўғит олиши учун 97 млн. 66 минг сўм ажратиб берилиши таъминланди.

Шундай ҳўллар ҳам учрайдики, айрим фермер ҳўжаликлари уларнинг розилигисиз, демакки мажбурий тартибда қўшимча ер майдони ажратиб берилган. Жумладан, Жарқўрган тумани ҳўқимининг 2008 йил 31 октябрь кўниги қарори билан "Тўлаган ўғли Эсонқул" фермер ҳўжалиги раҳбарининг розилигисиз мазкур фермер ҳўжалигига қўшимча равишда 17,9 гектар ер майдони ажратилган. Фермер ҳўжалиги бошлиғи И.Қодиров қўшимча ер майдонини олишга рози бўлмаганидан сўнг 2009 йил ҳўқимлари учун пахта хом ашёсини харид қилиш бўйича контрактация шартномасини ер майдонининг балл бонитети кўрсаткичларини ҳисобга олмасдан, оширилган миқдорда тузиш талаб қилинган.

Вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текшириш натижаси бўйича шу йил 19 июнь куни туман ҳўқимининг ушбу

қарорига протест келтирилиб, аниқланган қўнубузилишларни бартараф қилиш юзасидан вилоят ҳўқимлигига тақдимнома киритилди. Прокурор аралашуvidан сўнг, "Тўлаган ўғли Эсонқул" фермер ҳўжалиги билан бу йилги ҳўқим учун пахта хом ашёсини харид қилиш бўйича контрактация шартномаси фермер ҳўжалиги учун мақбул шартлар асосида тузилиши таъминланди.

Айрим ҳўлатларда ҳўқўқ бузилган фермер ҳўжаликларига боғлиқ бўлмаган расмийлик бўйича баъзи кичик камчиликлар баҳона қилинган ҳўлда уларнинг манфаатларига путур етишига йўл қўйилган. Масалан, Бандихон туманидаги "Абрайқулбоб" фермер ҳўжалиги 1997 йилда ташкил этилиб, йиллар давомида давлатга пахта ва ғалла сотиш режаларини бажармаганлиги сабабли туман ҳўқимининг 2008 йил 29 октябрдаги 385-сонли қарорига кўра, мазкур фермер ҳўжалиги билан ер майдонини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси бекор қилинган. Ер майдони эса тумандаги "Янги кўч-МБА" ва "Яхши ниёт-Бобур" фермер ҳўжаликларига қўшиб берилган.

Фермер ҳўжаликлари томонидан қўшимча олинган ер майдонларига бошқоқли дон экинлари экилиб, сарф-харажатлар қилинган бўлишига қарамастан, туман ҳўқимининг 2009 йил 15 март кўниги 82-сонли қарори билан собиқ "Абрайқулбоб" фермер ҳўжалигининг ер майдонини топириш бўйича аризаси бўлмаганлиги боис 385-сонли қарор бекор қилиниб, "Янги кўч-МБА" ва "Яхши ниёт-Бобур" фермер ҳўжаликларининг ҳақли этиришлари келиб чиқишига сабаб бўлинган. Вилоят прокуратураси текширишидан сўнг 82-сонли қарор қўнунига зид равишда қабул қилинган аниқланиб, шу йил 11 апрелда киритилган протест орқали бекор қилинди ва иккала фермер ҳўжаликларининг ҳўқўқлари тикланди.

Бойсун туман ҳўқимининг 2006 йил 25 декабрь кўниги 648-сонли қарори билан яшаб турган уй-жойлари "Тошгузар-Бойсун-Қўмқўрган" темир йўли йўналишига тўғри келган фуқароларга "Давлатмурод-Шам" чорвачилик фермер ҳўжалиги ҳисобидаги ерлардан 2,5 гектар ер майдони ажратилган бўлса-да, фуқаролар Аҳмедов Мухаммадқул ва Аҳмедова Қосагуллар ажратилган ер участкасидан уй-жой қўрмасдан, фермер ҳўжалигига тегишли бошқа ер майдонидан ўзбошимчилик билан қишқи кўтон қуриб, фойдаланиб келишадиганлиги аниқланган. Мазкур ҳўлат юзасидан Бойсун туман прокурори номидан шу йил 30 мартда фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, ерларнинг фермер ҳўжалигига қайтарилиши таъминланди.

Шундай ҳўллар ҳам учрайдики, айрим мутасадди шахслар мансаб ваколатидан фойдаланган ҳўлда сохтакорликка йўл қўйганлар. Масалан, Музработ туман ҳўқимлиги ҳўзуридаги ер танлаш ва ажратиш комиссияси аъзоси, "Янгибод" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси раиси И.Ражабов ва бошқалар "Холиқов Алимардон" фермер ҳўжалиги раҳбари У.Холиқов номидан туман ҳўқими номига ёзилган гўё ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини ўз ихтиёри ва хоҳиши билан бекор қилиш тўғрисидаги аризага ҳўқимлик муҳри ва раҳбарнинг сохта имзосини қўйишган ҳамда ҳўжатнинг қалбаки эканлигини билла туриб, уни комиссияга тақдим этишган. Шундай қилиб, "Холиқов Алимардон" фермер ҳўжалиги ер майдонларининг "Қурбон Мамадиёр" фермер ҳўжалигига қўшиб юборилишига сабабчи бўлишган. Ушбу ҳўлат юзасидан туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахсларнинг жиноий жавобгарлиги масаласи ҳал этилди. Ер майдони "Холиқов Алимардон" фермер ҳўжалигига қайтарилиб, фермернинг бузилган ҳўқўқли тикланди.

Х.БЕКМУРOTOV,
Сурхондарё вилоят
прокуратураси бўлим прокурори



ЎЗБОШИМЧА ФЕРМЕРЛАР

Хўсусан, "О.Йўлдошев" фермер ҳўжалигининг раҳбари М.Йўлдошев "Ёғочнинг бозори чаққон, даланинг бир чеккасига терак экиб олсам, ким суриштириб ўтирибди," дея пахта ва буғдой алмашлаб экиш режалаштирилган ернинг 0,54 гектарига терак қўчатлари экиб қўйган.

Ш.Ҳасанов "Сирдарё" ММТП ҳудудидаги "Маслакдор волий" фермер ҳўжалигини бошқаради. Пахта ва буғдой етиштириш билан шуғулланиди. Ушбу экинлардан олаётган даромадига қаноат қилмасдан, шодикорлик ва боғладорчилик билан ҳам шуғулланишга жазм этган. Гайриқўнуний равишда 1,5 гектар майдонга шולי, 1 гектар майдонда полиз экинларини парваришлагга киришган.

Туман прокуратураси ердан мақсадга мувофиқ фойдаланишга оид қўнуничилик ижросини ўрганиб, таҳлил қилганида яна бир қатор қўнубузилиш ҳўлатлари аниқланди. "Дангара меҳр кўзгуси" (раҳбари М.Мирзаев), "Улугбек Одилов" (раҳбари И.Изатуллаев), "Азиз" (раҳбари А.Жуманов), "Яхши ниёт" (раҳбари А.Жуманов), "Содирбек" (раҳбари М.Ҳантов) фермер ҳўжаликларида 0,12 гектардан тортиб 5 гектаргача ерларга режалаштирилган экинлар ўрнига шולי ва сабзавот етиштиришдан иборат қўнубузилиш ҳўлатларига ҳақ қўйилди.

Баъзан туман ҳўқимлигидаги ер тузишга масъул мансабдорларнинг масъулиятсизлиги натижасида қўну талаблари бузилапти. Чўнончи, "Қизилмушт" қишлоғида яшовчи фуқаро А.Дадажонов туман ҳўқимлигидан қондигер маҳсулотлари цехини қуриб ишга туштириш учун ер майдони ажратиб беришни сўраган. Туман комиссиясининг далолатномаси

ҳамда "Волий" фермер ҳўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши қарори тасдиқланиб, туман ҳўқимининг ушбу фермер ҳўжалигига қарашли 0,20 гектар унмодор ер майдонини ажратиб бериш тўғрисида қарори қабул қилинган. Ҳўлбуки, Республика Президентининг "Қишлоқ ҳўжалигида ишловотларни таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида ерлардан қатъий равишда мақсадли фойдаланиш, сугорилидан экин майдонларини муомаладан чиқарилишига йўл қўймастик зарурлиги қайд этилган. Туман ҳўқимининг қўнунига зид ана шу қарорига нисбатан протест келтирилди. Протест қаноатлантирилиб, ер майдони фермер ҳўжалиги тасарруфига ўтказилди. Шунингдек, айрим фермер ҳўжаликларининг раҳбарлари ҳам экин майдонларида гайриқўнуний қурилишлар қилишган, пахта, ғалла экиладиган ерларнинг бир қисмида боғ барпо этишни мўлжаллашган.

19 та ҳўлатда ердан мақсадсиз фойдаланиш, гайриқўнуний ер участкалари ажратиш ҳўллари аниқланиб, қўнубузилишларини бартараф этиш учун 10 та протест келтирилди. 25 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 418 нафар шахс расман огоҳлантирилди.

Фермер ҳўжаликлари узоқ муддатга ижарага берилган ер майдонларида режалаштирилган экинларни етиштиришлари шарт. Қўнунига риоя қилмаган ўзбошимча фермер ҳўжаликларининг раҳбарлари моддий ёки интизомий жавобгарликка тортилишига қўнмай, ер майдонларига эгаллик ҳўқўқидан маҳрум этилишлари ҳам мумкин.

Алишер КОМИЛОВ,
Дангара туман прокурори

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг изчил, тизимли ва босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган кенг қўламли демократик ислохотларнинг асосий вазифаси бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида кўрилатган чора-тадбирлар Ўзбекистон танлаган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан қатъият билан бораётганидан далolatдир.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари таҳлили уларнинг комплекс равишда амалга оширилаётганини, яъни бу борада барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти ва вазифалари қамраб олинганини яққол кўрсатади. Демократик ислохотларнинг изчил амалга оширилиши натижаси ўлароқ, истиқ-

асослари" (III боб), "Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашнинг ижтимоий-юридик механизмида прокурорлик ҳокимиятининг ўрни" (IV боб).

Асар мундарижаси мантиқий изчилликда очиб берилган. Шу ўринда ўқувчининг диққатини ўзига жалб қилувчи қўлидаги илмий-амалий янгиликларга қаратишни лозим топ-

вий, назарий ва амалий жиҳатдан асослантириб билдирган илмий далиллари билан ҳисоблашмасдан бўлмайди.

Муаллифнинг фикрига кўра, прокуратура органлари фаолиятининг ташкил этилиши ва амалга оширилиши борасида Ўзбекистонда юзага келган асл вазият шундайки, унга биноан, бу идора уч ҳокимият тармоғининг ҳар бири билан алоқаларга ва уларга

(Конституциянинг 118-моддаси) ва шу боис, қонун чиқарувчи ҳокимият тизимига кирмайди.

Тўртинчидан, Конституциянинг 93-моддаси 12-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва уларни лавозимидан озод этади. Президентнинг бу ҳақдаги

зиденти давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди (Конституциянинг 89-моддаси).

З.С.Ибрагимовнинг китобда истиқлол йилларида прокуратура органлари тараққиётининг асосий босқичлари ва фаолиятининг асосий йўналишлари атрофида ёритилган.

Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан далил қадамлар билан бормоқда. Истиқлол йилларида прокуратура органлари тараққиётининг икки босқичи кўрсатиш мумкин. Бундай босқичга ажратилишга юртбошимизнинг "Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли" маърузаси асос бўлиб хизмат қилади. Ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ 1991-2000 йиллар прокуратура органлари тараққиётининг биринчи босқичидир. Бу босқич-совет прокуратураси тизимидан демократик ҳуқуқий мустақил прокуратура тизимига ўтиш давридир. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми ва фаолиятининг ҳуқуқий асослари яра-



ИСТИҚЛОЛ ВА ПРОКУРАТУРА ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДА

дол йилларида Ўзбекистонда конституциявий ҳуқуқий давлат асослари шакллантирилди. Чунки мустақиллик Қомуси бўлиш Конституцияда белгиланган давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти институтлари тизими ҳамда миллий демократик давлатчилик асослари барпо этилди.

Ўзбекистонда давлат органлари тизимини шакллантиришнинг муҳим конституциявий принципи бўлиш давлат ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш тамойили ҳаётга изчил татбиқ этилди. Давлат ҳокимияти тақсимланшининг конституциявий тизимида прокуратура органлари алоҳида ўрин тутди. Амалдори ва ҳуқуқшунос олим З.С.Ибрагимовнинг "Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг тақсимлашуви" номили монографияси худди шу илмий-назарий, амалий ва маънавий-мафкуравий аҳамиятга молик муаммони таҳлил қилишга бағишланган. Бошқача сўз билан айтганда, истиқлол йилларида Ўзбекистонда прокуратура органлари тизимининг шаклланиши ва тараққиётининг асосий босқичлари, давлат органлари тизимида тутган ўрни, суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти ушбу комплекс тадқиқотнинг асосий мазмунини ташкил этади.

З.С.Ибрагимовнинг китоби ўзаро узвий боғлиқ тўрт масаланинг таҳлилига бағишланган: "Прокуратура давлат ҳокимияти органлари тизимида" (I боб), "Прокуратура мақомини ҳуқуқий тартибга солишнинг хорижий тажрибаси" (II боб), "Ўзбекистон Республикасида прокурор назорати ва прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий

дик.

Китобда ҳокимият ваколатларининг бўлиниши нуктаи назаридан давлат ҳокимияти органлари тизимида прокуратуранинг ўрни ва роли илмий ва амалий жиҳатдан ишонарли тарзда очиб берилган. Бу ўринда муаллиф ҳокимият бўлиниши таълимотига оид миллий ва хорижий юридик адабиётлардаги турли, айрим ҳолларда ўзаро қарама-қарши фикр ва қарашларни атрофича таҳлил этган. Маълумки, умумэтироф ақида сифатида барча давлат органлари уч тармоққа, яъни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига бўлинадиган. XVII асрдан бери кенг тарқалган ушбу демократик ҳуқуқий ғоя ва қадрият атрофида сўнгги чорак аср давомида олимлар томонидан турли янги ғоя ва тақлифлар билдирилмоқда. Айрим мутахассислар давлат ҳокимияти уч тармоқ билан чекланмайдиган деб, "сайлов ҳокимияти" (А.Автономов), "контроль (назорат) ҳокимияти" (В.Чиркин) ва "банк ҳокимияти" (В.Тосунян) ҳам бор деган нуктаи назарларни билдирмоқдалар. Албатта, бундай қарашлар билан баҳслашиш мумкин, уларга қўшилмаслик мумкин, аммо шунини таъкидлаш жоизки, юридик назария юридик амалиётни умумлаштиради ва ҳуқуқий тараққиёт учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

З.С.Ибрагимов ҳокимият бўлиниши таълимотининг чуқур таҳлили асосида ўзининг мустақил илмий асослантирилган концепциясини баён этган. Хусусан, гап прокуратура органларининг давлат ҳокимияти тизимида алоҳида ҳокимият тармоғи эканлиги ҳақида кетмоқда. Албатта, муаллифнинг ушбу қарашларига қўшилиш ёки қўшилмаслик мумкин. Лекин З.С.Ибрагимовнинг ўз қарашларини конституция-

ҳуқуқий таъсир кўрсатиш имкониятига эга, ва аксинча. Таъкидлаш жоизки, прокуратура бу вазифани лозим даражада амалга ошириб келмоқда.

Прокуратура давлат ҳокимияти тизимида ўзига хос ва ўзига мос мавқега, ўзининг алоҳида ваколатларига эга. У Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатда барқарорлик, осейишталлик ва фаровонлиқни ҳамда ҳокимият тармоқлари ҳаракатларидаги уйғунлик ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаш борасидаги фаолиятининг бевосита ва энг мақбул кўмакчиларидан бири бўлган муҳим конституциявий институт сифатида фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд реал воқелик (де-факто) ҳуқуқий жиҳатдан расмий равишда эътироф этилиши лозимлиги ҳақидаги унинг мулоҳазаларини қўллаб-қувватлаш даркор.

З.С.Ибрагимов бу борадаги ўз илмий концепциясини қуйидагича асослайди:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида прокуратура органларининг конституциявий мақоми алоҳида XXIV бобда мустақамланган. Бу дегани прокуратура ҳақидаги нормалар Конституциянинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига бағишланган бобларга киритилмаган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-моддасига мувофиқ, "прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадilar".

Учинчидан, прокуратура органлари мамлакат ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширадilar

Фармонлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан тасдиқланади. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ҳисобдордир.

Бешинчидан, прокуратура органлари ижроия ҳокимияти тизимига кирмайди, чунки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, яъни Ҳукумат аъзоси эмас (Конституциянинг 98-моддаси).

Олтинчидан, Конституциянинг 107-моддасига мувофиқ, прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси суд тизимига ҳам кирмайди.

Еттинчидан, прокуратура органлари ягона марказлаштирилган тизимни ташкил этади ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бошқарилади (Конституциянинг 119-моддаси).

З.С.Ибрагимов томонидан санаб ўтилган конституциявий ва илмий далиллар миллий ва хорижий тажрибани ҳамда миллий амалиётни чуқур таҳлил қилиш натижаси бўлиб, мантиқий ҳулосага келинган. Яъни прокуратура органлари давлат ҳокимияти ваколатларини тақсимланшининг конституциявий тизимида мустақил тизимни, аниқроғи, ҳокимиятнинг ташкил этилиши, бу илмий ҳулоса прокуратура органлари давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ёки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан мутлақо мустақиллик ва улар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ дегани эмас. Давлат ҳокимияти ваколатларини тақсимлаш тамойили ва давлат органларини ўзаро бир-бирини тийиб туриш принциплари мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Пре-

тидди.

2001 йилдан бошлаб прокуратура органлари тараққиётида янги иккинчи босқич бошланди. Бу босқичнинг асосий мазмунини суд-ҳуқуқ ислохотлари тизимида ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг ўрни ва ролини ошириш ташкил этади. Илк бор Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги қонунининг янги таҳририда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди. Эндilikда прокуратура органлари фаолиятининг самардорлиги даражаси уларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиши билан белгиланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон барпо этаётган демократик ҳуқуқий давлат тадрижий асосларга эга бўлган кучли ислохотчилик орқали юксалмоқда. Аслида ҳам шундай. Бир даврдан иккинчи даврга ўтаётган жамият кучли ислохотчилик орқалингани янгилана олади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотчилик ва янгиланish ишларида прокуратура органларининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Ўзбекистон давлатининг ҳозирги иқтисодий-сиёсий, ижтимоий ва ҳуқуқий ривожланиш босқичида прокуратура органларининг изчил ва самарали фаолиятига эҳтиёж мавжуд, жамият эса ушбу органнинг мавжуд ҳуқуқий маконда ишлашдан манфаатдордир. Ана шу ҳақда батафсил маълумотларни З.С.Ибрагимовнинг "Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва прокуратура органлари ҳуқуқий мақомининг тақсимлашуви" номили китобини ўқиб билиш мумкин.

А.САИДОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор

"POYTAXT AUKTSION" DUK 2009 yilning 8 oktyabr kuni auktsion savdolarini o'tkazadi

Auktsion savdolariga Toshkent shahar, Sergeli tumani, Choshtepa ko'chasi, 21-a uyda joylashgan, O'simlik va xayvonot dunyosini muhofaza qilish va ulardan oqilona foydalanish respublika davlat nozirligi "DAVBIONAZORAT" tasarrufidagi — 1998 y. i/ch, d/r 10AD 671, "Дамас" rusumli, boshlang'ich bahosi 3 700 000 so'm, zakalat miqdori 740 000 so'm;

Toshkent shahar, Shayhontoxur tumani, A.Xo'jaev ko'chasi, 5-uyda joylashgan O'zbekiston aloqa va axborotlashtirish agentligi Davlat Feld'eg'erlik xizmati tasarrufidagi — 1999 y. i/ch, d/r 01/063KAA, "Нексия" rusumli, boshlang'ich narxi 3 600 000 so'm, zakalat miqdori 720 000 so'm bo'lgan avtotransport vositalari qo'yilishini ma'lum qiladi.

Auktsion savdolari soat 11-

00da boshlanadi. Mazkur avtotransport vositalari yuqorida belgilangan savdo kunida sotilmag'an taqdirda navbatdagi xaftalarning payshanba kunlari o'tkaziladigan savdolariga qo'yiladi.

Savdolarida qatnashish uchun yuqorida ko'rsatilgan miqdordagi zakalat puli "POYTAXT AUKTSION" davlat unitar korxonasi ATIB "Ipoteka-bank"ning Shayhontoxur filialidagi

FA 00425, STIR 204399967, 20210000004243151002 xisob raqamiga o'rnatilgan tartibda to'lanadi.

Buyurtma qabul qilish auktsion savdolaridan bir kun avval soat 18-00 da to'xtatiladi.

Savdo g'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash, shartnoma tuzulunga qadar to'langan zakalat miqdori, sotib olish to'lovi

miqdorining 15 foizidan kamini tashkil etgan taqdirda etishmayotgan summani to'lab berish shartlari yuklatiladi.

Savdolar o'tkaziladigan quyidagi manzildan qo'shimcha ma'lumotlar olish mumkin: 100060, Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shox ko'chasi, 16"A"-uy.

Aloqa telefoni 233-23-49, telefaks 233-23-40, elektron pochta P-A_DUK@mail.ru

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ Навоий вилоят филиали нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига, Навоий вилоят Давлат мулкни бошқариш бошқармасининг 25.08.2009 йил 35-П сонли буйруғига асосан:

1. Нурота туман Ҳокимлиги балансида бўлган, Нурота туман Ш.Рашидов кўчасида жойлашган умумий фойдаланиш майдони 609,14 кв.м., **Бошлангич баҳоси — 35756000 сўм.**

2. Зарафшон шаҳар Ҳокимлиги балансида бўлган Зарафшон шаҳар 12-кичик туманда жойлашган "Ўқувчи-

лар ижодиёт маркази" биносида жойлашган, фойдаланиш майдони 140,85 кв.м.да жойлашган "Ошхона" биноси.

Бошлангич баҳоси — 57059000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 29 сентябрь кuni соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аризалар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Талабдорлар диққатига! Мазкур мулклар 2009 йил 29 сентябрда савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2009 йил

16,30 октябрь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй, Навоий вилоят Давлат мулкни бошқариш бошқармаси маъмурий биноси 1-қаватида.

Мазкур аукционда қатнашиш истагидаги талабдорлар мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатла пулини РКМБ Навоий фи-

лиалининг АТ "Ипотекабанк" Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452458, МФО 00205, ИНН 200933850. Аукцион савдоси голиби сотувчи билан 20 кундан кечикмаган муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаши шарт. Қўшимча маълумотлар учун манзил: Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 8 (436) 22-4-15-61. 22-4-64-31. Вэб сайт: WWW.RKMB.UZ. Лицензия: DB 001 №0000004.

"Aktiv Broker" ДК биржа савдоларига таклиф этади

2009 йил 5 октябрда "Республика кўчмас мулк биржаси" АЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати

№	Мулкнинг номи	Баланс сакловчининг номи ва манзили	Мулкнинг манзили	Давлат активининг қисқача тавсифи	Мулкнинг бошлангич нархи (сўм)
1.	«Уйчиқурилиш» шўъба корхонаси балансидаги қурилиши тугалланмаган «сауна» биноси	«Уйчиқурилиш» шўъба корхонаси	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Жийдакапа қишлоғи, Ахси маҳалласи	Бино 1983 йилда ишга туширилган, эгаллаб турган ер майдони 90,0 кв.м.қурилиши тугалланмаган, 3 та хонадан иборат бўлиб, деворлари пишиқ гиштдан, томи бетон плита билан ёпилган.	6 217 875
2.	"Бувайда-Янгикўрғон пилла" МЧЖ нинг 100 % давлат улуши	"Бувайда-Янгикўрғон пилла" МЧЖ	Фаргона вилояти, Бувайда тумани, Бувайда қишлоғи	Бино ва иншоотларининг майдони 3513,3 кв.м. МЧЖда пилла қабул қилиш пункти (литер 0001-0004), навес, лаборатория, қоравулхона, айвон, ҳовуз, сув минораси, резервуар ва деворлари мавжуд.	210 823 000

2009 йил 5 октябрда "Ташкент шаҳар Муниципал биржа маркази" МЧЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати

7.	Ташкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тошлоқобод (Миршарапов) 1-тор кўчасида жойлашган 1-қаватли бино	БФД, Ташкент ш. Мировод тумани, А.Темур шох кўчаси, 14-уй	Ташкент шаҳар, Ҳамза тумани, Тошлоқобод (Миршарапов) 1-тор кўчаси	Бино ва иншоотлар майдони 71,0 кв.м., ёғочли конструкция.	34 627 114
8.	Умумий сатҳи 410,3 кв.м.га тенг бўлган "Нотураар жой"	"Олмалик тоғ-металлургия комбинати" ОАЖ	Ташкент вилояти, Олмалик шаҳар, А.Темур кўчаси, 64-уй	Объект кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган бўлиб, эгаллаб турган ер майдони 410,3 кв.м. Пойдевори бетон, деворлари пишиқ гиштдан, поликафель	64 457 716

Қўшимча маълумотлар ва саволлар учун "Aktiv Broker" ДК мурожаат қилишингиз мумкин. Тел.: 233-27-19, 233-38-69, Email: aktiv_broker@mail.ru, www.gki.uz, Манзил: Ташкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй; ДМҚ Ташкент вилояти ҳудудий бошқармаси тел.: 259-21-18, ДМҚ Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси тел.: (8 3732) 224-56-40, (8 362) 224-40-16. ДМҚ Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси тел.8 (3692)226-29-96,226-44-39.

Ҳурматли газетхон!

Жамиятимизда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш бугун олдимизда турган устувор вазифалардан эканлиги маълум. Бу жараён барча ҳуқуқий нашрлар қатори "HUUQU" газетаси зиммасига ҳам масъулиятли вазифалар юклатмоқда.

Шу маънода, "HUUQU" газетаси ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, самарасини кенг тарғиб қилиш билан бир вақтда жамоатчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг ҳар қандай кўринишига қарши жамоатчилик фикрини уйғотишни мақсад қилиб олган.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари, прокуратура фаолияти, жиноят ва жазо, ишон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига оид энг сара, таҳлилий мақолалар газетхонлар эътиборига ҳавола этиб келинмоқда. Шунингдек, таҳририятимизга йўлланган ҳеч бир хат, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайди.

2010 йилда ҳам "HUUQU" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади.

Обуна бўлишга кеч қолманг!

Наир кўрсаткичи — 231

**ТУЗАТИШ**

МЧЖ томонидан «Huquq» газетасининг 27.08.2009 йилдаги № 35 (660) сонидан берилган эълондаги Бошлангич нархи 228 003 689 сўм ўрнига Бошлангич нархи 288 003 689 сўм деб ўқилсин. Гувоҳнома: № 001568-09

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоалари Қорақалпоғистон Республикаси прокуратури Музаффар ҚУРБАНБАЕВнинг бевақт вафоти муносабати билан унинг яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Сурхондарё вилояти прокуратураси жамоаси Сарисий туман прокуратураси терговчиси Бехзод Ҳайдаровнинг турмуш ўртоғи Зайнура КЕНЖАЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унга чуқур таъзия билдиради.

МУЗЕЙ ТАРИХДАН СЎЗЛАЙДИ

Мустақиллик улкан ислохотлар даврини бошлаб берди. 1991 йилдан буён ўтган вақт мобайнида юртимизнинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди ва буни ҳақли равишда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида амалга оширилган кенг кўламли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар самараси дейиш мумкин. Дарҳақиқат, истиқлолнинг ҳар бир йили бир неча ўн йилликлар даражасига тенг десак, асло муболага бўлмайди.

2001 йили ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси музейини ҳам замон билан ҳамқадам равишда қайта ташкил этишга эҳтиёж сезилгани боис, музейшунос ижодкорлар гуруҳи томонидан музейнинг янги экспозицияси



яратилди. Музейшуносликнинг энг сўнгги ютуқлари асосида қайта ташкил этилган музейдаги экспозицион витриналар замонавий дизайн қонуналаридан

келиб чиққан ҳолда яратилган бўлиб, томошабинга ҳар томонлама қулайдир. Шунингдек, бўлимлардаги экспозициялар янгидан-янги фактлар ва экспонатлар билан бойитилган.

Жорий йилнинг 29 август куни музей тантанали равишда очилди.

Тадбирда Бош прокурор, унинг ўринбосарлари, Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази ходимлари ҳамда прокуратура фахрийлари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз



Мусобақа якунига етди

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса спортга бўлган оммавий қизиқишнинг ортиб, спорт билан мунтазам шуғулланувчилар сонининг ошиб боришига замин яратмоқда. Айни пайтда юртимизнинг қай бир гушасига борманг, у ерда қад ростлаган кўплаб спорт мажмуаларига кўзингиз тушади. Шу билан бирга кўплаб ташкилот ва муассасаларнинг ўз спорт иншоотлари мавжуд.

Таъкидлаш лозимки, спорт инсонни руҳан титик ва жисмонан соғлом бўлишда муҳим восита саналади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси

Бош прокурорининг тегишли соҳавий фармойишига асосан Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги шодиёналари арафасида Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимлари ўртасида спортнинг "мини футбол" тури бўйича мусобақа ташкиллаштирилди. Мусобақада қатнашган барча жамоалар ўзларининг яхши тайёргарликка эга эканликларини, спортга бўлган қизиқишларини намойиш этишди.

Ҳалиб жамоага Бош прокурор томонидан мусобақа Кубоги тантанали равишда топширилди.

Ўз мухбиримиз



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан Мустақиллиқнинг 18 йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан, прокуратура органларининг бир гуруҳ ходимлари ҳам давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида «Шуҳрат» медали соҳибаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим катта прокурори Айгуль опа Атаджанова ҳам бор.

— Айгуль Ибрагимовна, Сизни давлатимизнинг юксак мукофоти «Шуҳрат» медали соҳибаси бўлашингиз билан чин қалбдан табриқлаймиз. Албатта, бу кўп йиллар давомида қилган меҳнатингиз самарасидир...

— Табрик учун раҳмат. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш гоёси бирламчи ўринда туради. Инсон бахт учун туғилади. Бахтли бўлиш ва атрофдагиларни бахтиёр қилиш бизнинг ўзимизга боғлиқ. Ушбу мукофотта сазовор бўлиш ҳам бир бахт. Давлатимиз томонидан Ватан равнақи учун виждонан меҳнат қилаётган инсонларга берилаётган эътибор ҳар биримизда фахр ҳиссини уйғотади. Инсон ҳеч қачон ўз меҳнатига баҳо беролмайди. Меҳнатингизнинг баҳосини атрофдагилар - халқ беради. Аввало, меҳнатимга юксак баҳо берилгани учун юртбошимизга, Бош прокуратура раҳбарияти ва ҳамкасбларимга ўз миннатдорчилигини билдираман.

Бундан кейинги фаолиятимда ҳам фуқаролар манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда бор куч-ғайратимни ва билимимни аямасликка ҳаракат қиламан.



Маҳаллам - фахрим

Маҳалламизда 512 та хонадонда 3270 жон яшайди. Оилалар сони 653 тани ташкил этади. Шунингдек, ҳудудимизда корхоналар, ўқув муассасалари фаолият олиб борапти. Рақамлардан кўриниб турибдики, маҳалла раиси зиммасидаги вазифалар кўлами кенг.

Маҳалламиз обод бўлиши керак. Бу ишда бизга хусусий тадбиркор Фарҳод Сапарбоев, «Қоратовбургалаш» корхонаси раҳбари Фозилбек Оннасапаровлар том маънода ҳомийлик қилишмоқда. Уларнинг моддий ва маънавий ёрдами туфайли тўйхона, гузар ташкил этдик.

Ташландиқ жойлар бог-роғга айлантирилди. 1000 тупдан зиёд мева, 2000 туп манзарали дарахт кўчатлари экилди. Кўчалар озодлиги, саранжом-саришталиги кўча катхударига топширилган. Н.Мамбетов, К.Йўлдошев, З.Айтбоевлар тўй-маърака ва бошқа тадбирларни маданият, тартибли ўтказилишига масъулдилар.

Маҳалламизда ўсиш, улғайиш бор. 2 ёшгача фарзанди бор оналар 136 нафарни ташкил этади. Кам таъминланган оилалар, якка-ёғлиқ яшовчилар мудом эътиборимизда. Юқоридагиларнинг барча давлатимиз ёрдами билан баҳраманддилар.

Маҳалламиздаги ҳолат ҳақида ҳар куни ИИБ профилактика инспектори лейтенант Рашид Машарипов ва посбон Равшан Жуманазаровлар опе-

ратив равишда ахборот берадилар. Майда-чуйда масалалар, оилавий келишмовчиликлар, жанжалларни имкони борича маҳалланинг ўзида ҳал қиламиз. Мақсадимиз эса жиноят содир этилишига йўл қўймаслик.

Баъзида одам боласи билиб-билмай қонунни бузиши, жиноятга қўл уриши мумкин. Ана шу ҳақиқатни унутмаган ҳолда профилактика ишларига эътибор кучайтирилган. Жонли мулоқот, савол-жавобларда ИИБ, прокуратура ва суд ходимларининг бевосита иштироклари катта аҳамиятга эгадир.

Шу кунларда мустақиллигимизнинг 18 йиллик тўйини нишонлашга катта тайёргарлик ишлари олиб борилапти. Турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказишни режалаштирганмиз. Бундай тадбирлар маҳалла аҳлининг тотувлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Эл аҳил бўлса жуда кўп эзгу ишларни амалга оширишга қодир бўлади. Байрамлар байрамларга уланаверсин, азизлар.

Шерифбой ТОҒОНОВ,
Беруний шаҳар, «Тўқмачи»
МФЙ раиси

Huquq
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV,
Bahridin VALIYEV, Baxtiyor
NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),
Svetlana ORTIQOVA, Tahir MALIK

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida
2007 yil 22 yanvarda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va
suratlar egalari qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan
farqlanishi mumkin. Nashrimizdan
ko'chirilgan boshlaganda «HUQUQ» dan
olinganligi ko'rsatishi shart. Tjorat
ahamiyatiga molik materiallar **
belgisi ostida chop etiladi.

Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617

Buyurtma j-8027. 21 382 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: X.HAMIDOV
Nashrchi muharrir: G. ALIMOV
Nashrchi: O.DEHQONOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoi ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 17.30 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta haftaning
payshanba kunlari
chiqadi.
Sotuvda
kelishilgan narxda